БУГУНГИ ҚУН САҲИФАЛАРИДА:

• 1-бет:

● И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИ ЎЗ МОҲИЯТ-ЭЪТИБОРИ БИЛАН КАТТА МАЪНАВИЙ БОЙЛИКДИР.

● ЎЗБЕКИСТОНГА ЖАҲОН БАНКЛАРИНИНГ КАЛИТИ БЕРИЛДИ.

• 2-бет:

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ КОНСТИТУЦИЯСИ: ЯНГИЛАНИШ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИГА ТАКЛИФЛАР ТАЙЁРЛОВЧИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ИШЧИ ГУРУҲИ ТАЙЁРЛАГАН МАҚОЛАНИНГ БОШ МАҚСАДИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИГА БАҲОЛИ ҚУДРАТ ҲИССА ҚУШИШДАН ИБОРАТ.

• 3-бет:

• 4-бет:

● ЭРТАГА ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ XI ХАЛҚАРО КИНОАНЖУМАНИ ОЧИЛАДИ.

● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАХМАТ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи 3 сўм.

1992 йил 7 октябрь, чоршанба № 197 (21.295).

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси—умумхалқ муҳокамасида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ КОНСТИТУЦИЯСИ: ЯНГИЛАНИШ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси яқиндагина ўз мустақиллигининг бир йиллигини зўр шодиёна билан нишонлади. Мустақиллик бу — буюк зафар ва тарихий адолат тантанасидир. Эндиликда республикамиз ўзининг ички ҳаёти ва ташқи сиёсатига доир ҳамма ишларни ҳеч кимдан рухсат сўраб ўтирмай ўзи мустақил равишда ҳал этади. Яқиндагина матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси бунинг ёрқин далилидир.

Мустақил республикамиз қабул қиладиган Конституция — Асосий Қонун Ўзбекистон давлатчилигининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Халқ муҳокамасига қўйилган лойиҳа инсон ҳуқуқлари ва миллий мустақиллик ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва ижтимоий адолатни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳондаги эътироф этилган қоидаларини тан олиш, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва ниҳоят фуқаролар тинчлиги ва миллий иноқликни таъминлашдек олижаноб мақсадларни кўзлайди ва унга хизмат қилади.

БУГУН газетамизда Конституция лойиҳасига таклифлар тайёрловчи Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Марказий Кенгаш котиби А. Саидов бошлиқ ишчи гуруҳи томонидан ҳозирланган мақолани эълон қилаётирмиз. Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш ушбу таҳлилий мақоланинг бош мақсадидир. Мақола олимлар ва мутахассисларга, конституциявий қурилиш муаммолари билан қизиқувчиларга ва умуман Лойиҳа умумхалқ муҳокамасидан ўтаётган ҳозирги дамда фуқароларга масалаларнинг моҳиятини тушуниш, манфаатдорлик билан фикр ва мулоҳазалар юритишларига ёрдам беради, деб умид қиламиз.

МАҚОЛАНИ ГАЗЕТАНИНГ ИККИНЧИ ВА УЧИНЧИ САҲИФАЛАРИДА ЎҚИЙСИЗ.

Жиззах районидаги Шароф Рашидов номли давлат хўжалиги ташкил топганига ҳали унча кўп вақт ўтгани йўқ. Хўжалик меҳнаткашлари ана шу қисқа даврда фидокорона ишлаб, шўрлаб-бўзлаб ётган чўл ўрнида ям-яшил экинзорлар, боғ-роғлар, янги-янги биноларни барпо этдилар.

Шароф Рашидовнинг 75 йиллиги санасини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётган айни кунларда улар алоҳида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл-кўл ҳосил олиш учун интилиш билан бирга ободончилик ишларига ҳам катта аҳамият бермоқдалар. Бунда уларга қўшни Навоий номли жамоа хўжалиги тажрибаси қўл келяпти. Ҳар икки қўшни хўжалик меҳнаткашлари яратувчилик, ободончилик ишларида қўлни-қўлга бериб ишлаяптилар. Шароф Рашидов юбилейи кунларида хўжалик шаҳарчасида атоқли давлат арбобининг бюсти очилади.

СУРАТДА: Шароф Рашидов номли давлат хўжалиги директори Шаҳобиддин Иброҳимов ва Навоий номли жамоа хўжалиги раиси Умарқул Жўрақулов шаҳарчани кўздан кечиришмоқда.

В. ПАНОВ олган сурат.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● ЖИЗЗАХ

«САХОВАТ»ДА БЕПУЛ ТУШЛИК

● Жиззах шаҳрида Саховат» деб номланган янги чойхона пайдо бўлди.

Вилоят Қизил ярим ой жамияти ҳамда Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси ташаббуси билан очилган чойхонада дастлабки куни юз нафардан зиёд қарияга текин тушлик, ҳар бир кишига 350 сўмликдан совға улашилди.

«Саховат»да шаҳардаги кўмакка муҳтож ёлғиз қариялардан 20 нафарини доимий бепул иссиқ овқат билан таъминлашга қарор қилдик, — дейди вилоят Қизил ярим ой жамиятининг раиси Ҳожибек Бегиев.

Баҳриддин САТТОРОВ.

● СУРХОНДАРЁ

ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА...

Қумқўрғон район почта алоқа боғламаси ва матбуот тарқатиш марказини транспорт билан таъминлашни Шўрчи районидаги 25—30 автокорхонаси ўз зиммасига олган. Кейинги пайтда транспорт таъминотида узилиш тез-тез такрорланиб турибди. Масалан, сентябрь ойининг ўтган йигирма куни ичида машина 10 кун «прогул қилди».

Матбуот нашрларига ёзилиш давом этиб турган айни кунларда бу хабарни айтишимиз обунанинг қимматлашиб кетганидан надоматлари ошган кишиларни баттар чўчитиб қўймасмикан, деган хаёлга олиб боради. Энди тасалли сифатида иккинчи бир гапни илова қилмоқчимиз. Машина «прогул» қилгани билан матбуот нашрларини жойларга тарқатишда деярли узилиш бўлмаяпти. Газета ва журналларни марказнинг бошлиғи Жўра Ғаниев ўзининг шахсий «Жигули»сида тарқатиб чиқди ва тарқатмоқда.

Ж. Ғаниевнинг маоши унчалик ҳавас қиладиган даражада эмас. Куни кеча пешиндан сўнг у яна кабинетини ёпди, газета таҳламлари ортилган машинасини ўт олдирди. Ғаниевнинг бу жонкуярлигини биз автокорхонанинг раҳбарларига ибрат қилиб кўрсатмоқчи эмасмиз. Лекин бу ҳақда ҳар ким ўйлаб кўрсин деймиз, холос.

Олимжон УСАНОВ.

ОИЛАВИЙ ПУДРАТЧИЛАР МАРРАГА ЕТДИ

● Элликқалъа туманидаги қўриқ «Ўзбекистон» давлат хўжалиги техникуми пахтакорлари ҳосилни тезроқ йиғиб-терib олишга ҳаракат қилишмоқда.

Куни кеча хўжалик механизаторлари тумандa биринчи бўлиб машина теримини бошладилар. Ўн иккита агрегат юқори унум билан ишлатиляпти. Натижада хўжаликда кунига йиллик режанинг 3,5—3 фоизи миқдорида пахта тайёрланаяпти.

— Ишимизда пудрат усулининг кенг қўлланиши, пахтакорларга тўла эркинлик берилиши катта самара келтиряпти, — дейди илғор бригада бошлиғи Норхон Нуримов.

Айрим оилавий звеноларнинг режаларини олган ҳосилни тезроқ теріб олиш чораларини кўришяпти.

К. РИХСИЕВ.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 6 ОКТЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Фарғона	2,70	38,80
Бухоро	2,40	32,84
Андижон	2,83	26,28
Хоразм	1,42	25,48
Сурхондарё	2,01	23,35
Наманган	2,78	17,78
Қашқадарё	1,96	14,57
Навоий	1,43	12,29
Қорақалпоғистон Республикаси	1,43	12,21
Тошкент	0,84	7,30
Сирдарё	0,42	2,64
Самарқанд	0,64	2,55
Жиззах	0,46	1,56
Республика бўйича:	**1,70**	**17,62**
1991 йилдагиси	**3,99**	**54,80**

БОШ ВАЗИР ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари таълим вазирларининг Тошкентда бўлиб ўтган биринчи қўшма маслаҳат учрашуви қатнашчиларини 4 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбатда алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муаммолари муҳокама қилинди. Таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг ҳуқумат бошлиқлари шу йил май ойида имзоланган Тошкент битими таълимга оид жамики муаммолар юзасидан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар очаётганини учрашув қатнашчилари таъкидлаб ўтишди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОНГА ЖАҲОН БАНКЛАРИНИНГ КАЛИТИ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси Ф. М. Муллажонов билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг раиси Р. С. Азимовдан иборат делегация Америка Қўшма Штатларидан қайтиб келди. Мазкур сафар чоғида республика иқтисодиёти ва молия фаолияти учун оламшумул аҳамиятга эга бўлган ютуққа эришилди — Ўзбекистон бир йўла жаҳоннинг тўртта банк тузилмасига аъзо бўлди.

— Аввало шуни айтиш керакки, — деди **Файзулла МУЛЛАЖОНОВ** мухбиримиз билан суҳбатда, — Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов жаҳон банкларининг маккаси ҳисобланган Швейцарияга ташрифи, жаҳон сармоядорларига республика имкониятлари ҳақида гапириб берганлиги бизнинг Америка сафаримиз чоғида иш ўнгидан келишига ижобий туртки бўлди. У кишининг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта фонди, Халқаро тиклаш ва ривожлантириш банкига аъзо бўлиши масалаларини ҳал қилдик. Ана шу молия тузилмалари бошқарувчиларининг йиллик йиғилишида иштирок этдик. Шунингдек, Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Инвестицияларни кафолатловчи халқаро агентликка Ўзбекистоннинг аъзо бўлиши ҳақидаги барча зарур ҳужжатлар имзоланди.

Халқаро валюта фондининг фармойишчи директори жаноб Мишель Комдессю билан ўтказган суҳбатларимиз жуда самарали бўлди. У делегациямизга жуда илиқ муносабат кўрсатди. Назаримда, ушбу фонд ҳамда банкларнинг раҳбарлари республикамиз иқтисодиёти аҳволи ҳақида аниқ маълумотга олдиндан эга бўлганликлари ишимиз натижадор бўлишини таъминлади. Чунки шу йил ёзда уларнинг вакиллари Ўзбекистонда бўлишиб, республика иқтисодий-ижтимоий ҳаёти билан танишиб кетишган эди. Ўтган ойда ҳам Халқаро тиклаш ва тараққиёт банкининг ишончли вакили Селвина Ватник бошчилигидаги делегация Зарафшон ва Фарғона водийлари шаҳар ва районларида бўлишганди, пахта, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш имкониятлари ва истиқболларини ўрганиб кетишди.

Ўзбекистон Халқаро валюта фондига аъзо бўлган 171-давлат сифатида рўйхатга олинди. Делегациямиз мазкур фонд ҳамда Халқаро тиклаш ва ривожлантириш банки бошқарувчиларининг 44-йиллик йиғилишида иштирок этди. Европа Тиклаш ва ривожлантириш банки президенти Жак Аттали билан ўтказган суҳбатимизда республикамизга Европа банкидан қарз олиш лойиҳаларини тезроқ кўриб чиқиш масаласини қўйдик. 1992 йил 16 ноябрда Лондонда ўтадиган ЕТРБ директорлари кенгаши мажлисида мазкур банкнинг Ўзбекистонга доир фаолияти истиқболи ва дастури кўриб чиқилиши ҳақида келишиб олинди. Жаноб Жак Аттали ноябрь ойида Ўзбекистонга ташриф буюриши ҳақидаги таклифимизни қабул қилди. Бу ЕТРБ президентининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасига биринчи сафари бўлади.

АҚШ ҳукуматига қарашли Экспорт-импорт банкида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг тегишли ваколатларини расмийлаштириш ва ривожлантириш ишларига оид ҳуқуқий ҳужжатларга қўл қўйилди. Бу ҳамкорлик республикамизга мол ва технология берувчи америкалик сармоядорларга АҚШ Эксимбанки томонидан кафолатлар берилишига йўл очади.

Нью-Йоркда бўлганимизда Морган Гаранти Траст банки раҳбарияти билан учрашдик. Республикамизга биринчи даражали хорижий сармоядорларни жалб этиш бўйича ҳамкорлигимиз йўналишлари ҳақида суҳбатлашдик. Бу банк жаҳонда энг юқори рейтингга эга бўлган икки банкдан биттасидир.

— Файзулла ака, Халқаро валюта фонди билан Халқаро тиклаш ва ривожлантириш банкининг фарқини тушунтириб берсангиз?

— Қисқа қилиб айтсак, банк ривожлантириш муаммолари билан шуғулланувчи муассаса бўлса, ХВФ мамлакатлараро тўловлар ва пул тушумлари бўйича тартибга солинган тизимни ўрнатишга интилувчи ҳамкорлик тузилмасидир. Амал қилаётган қоидаларга кўра ялпи миллий маҳсулот аҳоли жон бошига нисбатан кам ривожланаётган мамлакатлар шу банкдан қарз олишлари мумкин. Аммо бунда мамлакатлар ҳукуматларининг истиқболда қарзни тўлай олиш қобилиятлари ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси бир йўла молиявий дунёнинг энг йирик тўртта тузилмаси билан ҳамкорлик қилиш имкониятини қўлга киритди. Ўйлаймизки, бу муваффақият мустақил Ўзбекистон давлатининг тараққиётида ҳал қилувчи омиллардан бири сифатида катта самаралар беради.

Суҳбатдош: А. АБДУБАННОПОВ.

СУРАТДА: Халқаро Валюта фонди фармойишчи директори жаноб Мишель Комдессю Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Файзулла Муллажоновни табрикламоқда.

ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИҚ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди. У «Ҳақиқий ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар сафларидан заҳирага бўшатиш ҳақида ҳамда фуқароларни ҳақиқий ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириқ тўғрисида» деб аталади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида» ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ республикининг 1965—1974 йилларда тўғилган ва чақириқ кунигача 18 ёшга тўладиган ҳамда чақириқ муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқароларини шу йил ноябрь-декабрь ойларида ҳақиқий ҳарбий ва муқобил хизматга чақиришга қарор қилди.

(Қарорнинг тўла матни ва унга шарҳ газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

● *ХДП ҳаётидан*

ДАЛА МЕҲНАТКАШЛАРИ ҲУЗУРИДА

● Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши пахта йиғим-терими оммавий тус олган бир пайтда қишлоқ меҳнаткашлари билан ёзувчилар, олимлар ва бошқа ижод аҳлларининг учрашувларини ташкил этиши яхши самара бермоқда. Мулоқотларда И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи хусусида ҳам қизиқарли фикрлар билдирилаётир.

АВВАЛГИ сафар севимли шоирларимиз — Абдулла Орипов ва Муҳаммад Юсуфлар Янгийўл райони деҳқонлари меҳмони бўлишган эди. Бу галги Ўрта Чирчиқ районидаги Бектемир пахта тозалаш заводидаги учрашувга таниқли олим ижодкорлардан Иззат Султон ва Хуршид Дўстмуҳаммад ташриф буюришди.

Учрашувни олиб борган вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин партия сафлари анча жипслашгани, қадди ва мавқеини тиклаб бораётгани, яхши тажрибалар умумлаштирилиб, кўпчилик мулкига айлантирилаётганини таъкидлаб ўтди. Турли миллат ва элатлар ўртасида қарор топган дўстлик, аҳиллик, ҳамфикрлик вилоятда тинчлик ва осойишталикни барқарор сақлаб туриш кафолатини бермоқда. И. А. Каримов рисоласида ҳам бу жиҳатларга алоҳида урғу берилган. Муаллиф республикамиз ички ва ташқи сиёсат йўлларини кўрсатиш билан бирга, Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда тутадиган ўрни тўғрисида кенг фикр юритади.

— Ўзбекистон мустақил давлат сифатида дунё минбарига чиқди, — деди Иззат Султон, — Кремль яккаҳокимлигига чек қўйилди. Эндиликда эзилган эркин, ошкора сўзини айта оладиган пайт келди. Ҳозирги иқтисодий оғир шароит ҳаммамиздан чидам ва саботни, ақл-идрокни талаб қилмоқда, Дорбоз ўз мувозанатини лангар билан таъминлаб турганидек, республикадаги барқарор аҳволни унинг халқ дардини, нафасини яхши биладиган раҳбарлари таъминлашмоқда. Зотан, рисола ҳам давлат сиёсати ва иқтисодиётини чуқур тушунадиган Президентимиз И. Каримов қаламига мансублиги алоҳида таъкидга лойиқ. Китобча ўз моҳият-эътибори билан катта маънавий озуқа манбаидир.

Учрашув жараёнида рисола юзасидан қизиқарли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ўзбекистон ХДП фаолиятига оид қимматли мушоҳадалар ҳам айтилди.

Тадбир сўнггида район партия кенгаши биринчи котиби И. Неъматиллаев корхонанинг бир гуруҳ ишчиларига янги партия ҳужжатларини топширди.

А. МАННОПОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ КОНСТИТУЦИЯСИ:

ВАТАНИМИЗНИНГ биринчи Конституцияси Ўзбекистоннинг кўп асрлик ҳуқуқий тарихи ва маданиятининг, миллий давлатчилиги тараққиётининг муқаррар натижаси бўлмоғи лозим. Адолатли ва инсоний Асосий Қонуннинг яратилиши, қабул қилиниши мураккаб ва муҳим вазифадир. Аммо бу ҳар қалай бизнинг мустақил конституциявий тараққиёт йўлимизнинг илк қадами. Бу борадаги улкан ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиш — ушбу таҳлилий мақоланинг бош мақсадидир.

«Конституция» нима?

«Конституция» лотинча сўз бўлиб, ўзининг узоқ тарихига эга. Қадимий вақтларда «конституция» ибораси, масалан, сиёсий тузум маъносини англатган. XVII асрда Францияда ушбу сўз билан рентани, рента шартномасини белгилашган. Кейинчалик қадимги маъносига қайтиб, ушбу атама билан ҳуқуқ томонидан белгилаб қўйилган давлат тузумини атай бошлаганлар. Буюк француз инқилоби арафасида «давлатнинг аҳволи»ни «конституция» ибораси билан ифодалай бошладилар.

Шу маънода **XIII—XIX асрларда Мовароуннаҳрда шариат билан бир қаторда давлатнинг ҳуқуқий аҳволига маълум даражада таъсир кўрсатиб келган Чингизхон ёсуси ва Амир Темур тузуклари Шарқона маданиятга монанд конституциявий ҳужжатлар эди.**

Оврўпо маданияти бугунги кунда ҳаракатда бўлган икки гуруҳ конституцияларни вужудга келтирди. Биринчи гуруҳ эски конституциялар бўлиб, бундай конституциялар тарихан XX асрга қадар қабул қилинган эди. Бунга яққол намуна сифатида 1787 йилдаги АҚШ Конституцияси, 1831 йилдаги Бельгия Конституцияси ва 1874 йилдаги Швейцария Конституциясини мисол қилиб келтириш мумкин. XX асрда қабул қилинган конституциялар эса иккинчи гуруҳни ташкил этади. Бу конституциялар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, Асосий Қонунни муҳофаза қилиш, ижтимоий муаммоларга мурожаат қилиш натижасида конституциявий тартибга солиш қўламининг кенгайганлиги билан биринчи гуруҳ конституцияларидан фарқланиб туради. Иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган конституциялар миллий ҳуқуқий тараққиёт ва АҚШ конституциявий тажрибаларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Дунёдаги энг қадимги Конституция— АҚШ Асосий Қонуни ўзининг қисқалиги, пухталиги ва бинобарин, самарадорлиги ва ўзгармаслиги билан ажралиб туради. Буюк Британия ва Янги Зеландияда эса ёзма конституция умуман йўқ.

XX асрнинг 20-йиллари бошларида Шарқ мамлакатларидан Туркия, Эрон, Афғонистон, Миср каби давлатларда миллий мустақиллик йўлида ҳам Оврупога хос, ҳам анъанавий мусулмон ҳуқуқи — шариатга асосланган конституциялар қабул қилинди.

40—50-йилларда эса Оснёдаги ёш мустақил давлатлар конституциявий тараққиётида Қўшма инглиз-французча ҳуқуқий ёндашувлар кенг қўлланила бошланди. Ҳиндистон Конституциясида илк бор АҚШ Асосий Қонунида мустаҳкамлаб қўйилган федерализм принципи ўз аксини топган. Бироқ кўпчилик Осиё мамлакатлари мустақиллиққа эришмасдан илгариёқ ўзининг тарихий ёки мустамлакачиликка хос ҳуқуқий ижодкорлик тажрибасига эга эдилар. Ғарбнинг кучли таъсирига қарамасдан, кўпчилик Осиё давлатларининг конституцияларида ўз миллий анъанавий хусусиятлари эътиборга олинган.

60-йилларда Африкадаги миллий давлатчилик тажрибаси ичида тўлиқ ривожланмаганлиги ёки бўлмаса Оврупо андоза (модел)ларининг ҳукмронлиги туфайли йўқолиб кетган. Одатда, собиқ мустамлакаларга эга бўлган Ғарб давлатлари у ёки бу усулда янги ёш давлатларнинг конституциявий қурилишига муайян таъсир кўрсатган.

Айрим мусулмон давлатлари (Саудия Арабистони, Оммон, Ливия) муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида конституциянинг умуман зарурлигини инкор этадилар ёки унинг аҳамиятини ҳар жиҳатдан камситиб келадилар. Инглиз конституцияшунослари томонидан тайёрланган 1968 йилги Свазиленд Конституцияси «демократик анъаналарга ва халқнинг турмуши тарзига номувофиқ»лиги сабабли 1973 йилда бекор қилиниб, мустамлакачиликка қадар бўлган ҳокимият тузуми тикланди. Шунинг учун ҳам **Конституциянинг халқ томонидан чуқур англаб етилиши ва қабул қилиниши муаммоси унинг ҳаётийлиги ва барқарорлигининг энг муҳим шартн бўлиб ҳисобланади. Бу масала Ўзбекистон учун ҳам ниҳоятда долзарбдир.**

Давлатнинг асосий қонуни

КОНСТИТУЦИЯ муайян ҳуқуқий хусусиятларга ва ўзига хос вазифаларга эгадир. Чунки Конституция авваламбор ҳуқуқий ҳужжат сифатида давлатнинг Асосий Қонунидир. Агар у етарлича норматив характерга эга бўлмаса, жиддий ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди. 1978 йилги Ўзбекистон Конституцияси, чет элларда эса Италиядаги Қирол конституцияси (1848 йил — Альбертина статуси) ана шу хилдаги конституциялар қаторига киради. Улар ўта мафкуравий ақидалар, ғоявий чақириқлар, баландпарвоз тушунча ва қоидалар билан ҳаддан ташқари тўлиб-тошиб кетгандир. Бугунги кунда бундай декларатив конституцияларнинг (Миср, Сурия, Ангола) қаттиқ таҳririга учраётганлигини кўриш мумкин.

АҚШ Конституцияси ва «иккинчи гуруҳ» конституциялари сиёсий декларатив моддаларининг бирмунча камлиги ва ҳуқуқий жиҳатлари билан ажралиб туради. **Конституцияга нисбатан ягона бир яхлит ҳуқуқий ҳужжат сифатида қараш — замонавий конституцияшуносликнинг асосий туб ҳислатидир.**

Конституциянинг асосий мазмуни, шунингдек, декларатив ва баҳоловчи қоидаларни асосан муқаддимада иложи борича мухтасар ҳолатда баён қилиш билан ажралиб туради.

Асосий Қонуннинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган бир неча вазифасини кўрсатиш мумкин. Конетитуциянинг **сиёсий вазифаси** жамият ижтимоий тузумини тартибга солади ва сиёсий ҳаётни ҳамда ҳокимият учун курашни маълум бир ҳуқуқий доираларини белгилаб беради. **Ташкилий вазифанинг** моҳияти давлатнинг конституциявий тузилишини ташкил қилиш ва унинг фаолияти асосий жиҳатларини ўрнатишдан иборат. Агар Конституциянинг **шакллантирувчи («конструктив») вазифаси** жамиятнинг муайян қадриятларини қарор топтириш мақсадида маънавият соҳасига таъсир кўрсатишга қаратилган бўлса, унинг **ҳуқуқий вазифаси** унинг амалдаги ҳуқуқий тизимининг асоси сифатидаги ролини акс эттиради.

Шу муносабат билан Конституциянинг **ҳуқуқий вазифалари** орасидаги энг муҳимлари қуйидагилардан иборат: 1) Конституциявий нормалар (қоидалар) амалдаги ҳуқуқий тизимнинг олий мезони ва маркази ҳисобланади. Шунинг учун жамики мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлар Конституцияга мувофиқ бўлмоғи лозим. 2) Конституция матнида ҳуқуқнинг асосий принциплари мавжудлиги. 3) Амалдаги ҳуқуқ манбалари тизимининг конституциявий белгиланиши. 4) Конституция бевосита амалиётдаги ҳуқуқ ҳисобланиши, яъни судлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўз фаолиятида Асосий Қонунни қўллашлари лозим. Конституциянинг ҳуқуқий табиати ва вазифалари унинг норматив ҳужжатлар тизимидаги устунлигида, айниқса, яққол намоён бўлади.

Конституциянинг устунлиги

КОНСТИТУЦИЯНИНГ устунлиги принципи тарихан АҚШ конституциявий тараққиёт тажрибасига бориб тақалади. Бу принцип иккинчи жаҳон урушидан кейин Оврупо конституциявий таълимоти ва амалиёти билан ривожлантирилди. Ушбу принцип: **биринчидан,** Конституцияга хилоф бўлган ҳар қандай фаолиятнинг, чунончи, қонун ижодкорлик фаолиятининг ҳам ман этилишини, **иккинчидан,** конституциявий нормаларнинг анъанавий мезонлар ҳамда қонунларни шарҳлаш ва қўлланиш воситаларига нисбатан муҳим, етакчи ўрин эгаллаганлигини, **учинчидан,** барча ҳуқуқ ижодкорлик органлари конституциявий қоидаларни ривожлантириш йўлида ҳаракат қилиши шартлилигини, **тўртинчидан,** Конституцияни қабул қилишнинг ўзига хос шарт-шароитлари ва Конституцияни қайта кўриб чиқишдаги Асосий Қонуннинг етарли даражада барқарорлагини таъминловчи мураккаб тартиботни, **бешинчидан,** Конституциянинг алоҳида муҳофаза остига олинишини, бошқача қилиб айтганда, Конституциявий назорат мавжудлигини англатади.

Асосий Қонунни қабул қилишдаги махсус конституциявий конвентларнинг кенг қўлланилиши, қонун чиқарувчи орган томонидан қабул қилинган Конституциянинг умуммиллий референдум орқали тасдиқланиши, шунингдек, кейинчалик қайта кўриб чиқиш ва ўзгаришлар киритишни ўз ичига олган ўзига хос шарт-шароитлар ҳам Конституциянинг устунлигини, унинг мамлакатнинг Асосий Қонуни сифатидаги аҳамиятини таъминлайди.

Францияда алоҳида мураккаблаштирилган тартибда (юқорида кўрсатилган конвент тури) чақирилган Конституциявий кенгаш аъзоларининг бешдан уч қисми ўзгаришлар киритиш учун овоз берган тақдирда референдум ўтказишга зарурат қолмайди. Италия ва Франция Конституцияларига шу кунга қадар атиги олтитадан ўзгартишлар киритилган, холос.

Испания Конституцияси қисман ўзининг «ёшлиги» ва қисман бу мамлакатда қонун лойиҳасини киритишнинг мураккаблаштирилган тартиби қўлланилган ҳолда конституция ўзгаришларининг референдум томонидан, албатта қўллаб-қувватланиши шартлиги кўзда тутилганлиги боисидан ҳозирча ўзгаришлардан ҳоли бўлиб турибди.

Олмонияда Конституцияга ўзгартишлар киритиш учун бундестаг ва бундестратнинг учдан икки қисми—кўпчилик овози етарлидир. Олмония Конституцияси ҳам шунга яраша бошқаларга нисбатан кўпроқ (35 марта) ўзгаришларга учради.

Кўпчилик давлатларнинг Конституцияларида ўзгартирилмаслиги керак бўлган моддалар белгилаб қўйилган. Бошқарув усуллари тўғрисидаги моддалар, ислом маданияти мамлакатларида эса давлат дини тўғрисидаги моддалар ана шулар жумласидандир.

Умуман олганда, хорижий давлатлар тажрибаси бирмунча «қатъий» Конституциялар манфаатини ифодалайди. Барқарорлик эса, ўз навбатида Конституциянинг жамиятдаги олий нормалар ва қадриятларнинг инъикоси сифатидаги маънавий нуфузини юксалтиради. **Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунида Конституцияни қайта кўриб чиқиш тартибини ҳозирги қўлланиб келинаётган Конституцияга нисбатан мураккаблаштириш мақсадга мувофиқ кўринади.** Нормаларнинг ўта батафсиллаштирилиши, Конституцияга мувақкат, уч-тўрт кунлик ўткинчи ўзгарувчан қоидаларнинг киритилиши Асосий Қонунни тез-тез қайта кўриб чиқиш заруратига олиб келиши мумкин.

Конституциявий назорат

КОНСТИТУЦИЯВИЙНАЗОРАТ тарихий тараққиёти ва амалиёти Конституция устунлиги принципини рўёбга чиқариш учун ушбу принципни ва ҳатто ана шу ғояни илгари сурган Конституциявий шакларнинг ўзини назарий жиҳатдан асослашнинг етарли эмаслигини кўрсатди. Шунинг учун аср бошларида Оврупода бўлмаган, бугунги кунга келиб эса қарийб амалдаги барча жаҳон Конституцияларида эътироф этилган конституциявий назорат кенг тарқалгандир.

Олмония, Италия, Австрия, Испания ва ҳоказо мамлакатларга Конституциявий судларнинг ваколат доирасига Асосий Қонун устидан назоратни амалга оширишдан ташқари, давлат органлари ўртасидаги вазифаларга доир баҳсларни ҳал қилиш, федератив давлат тузилиши билан боғлиқ бўлган ҳамда сайлоблар тўғри ўтказилганлиги ва ҳоказолар тўғрисидаги баҳс-мунозараларнинг ечимини топиш киради.

Олмонияда федерал конституциявий суди сиёсий партияларнинг Конституцияга зидлиги тўғрисидаги масалани ҳам муҳокамага қўйиш ваколатига эга. Конституциявий судлов (адлия)нинг барпо этилиши суд ҳокимиятини фақат билвосита кучайтиради, холос ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни бирмунча чеклаб қўйиши тайин.

Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасида Конституциявий суд назарда тутилганлиги мақсадга мувофиқдир.

Олмония Асосий Қонунида Конституциявий суд аъзоларини парламент йўли билан сайлаш тартиби белгиланган. Италия Конституциясида Конституциявий суд қонун чиқарувчи ҳокимият (парламент) ижроия ҳокимият (президент) ва суд ҳокимияти (умумий ва судларнинг олий босқичлари)дан баравар қисмлардан ташкил топади. **Бундай тартиб турли ваколатли давлат органларининг муайян бир мувозанат тизими сифатида Ўзбекистон Республикаси учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.**

1858 йилги Франция Конституцияси конституциявий назорат тизимини кўзда тутган. У француз сиёсий тизимида ниҳоятда муҳим ўрин тутса-да, бироқ бошқа Оврупо мамлакатларидаги конституциявий назорат органларига қарағанда анча имконияти чекланган орган ҳисобланмиш Конституциявий кенгаш фаолиятида тўла мужассамлашган.

Қонунларнинг келгусидаги конституциявий назоратини амалда кенг қўллайдиган ва бу қонунларни бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган Конституциявий судлардан фарқли ўлароқ Франция Конституциявий кенгаши парламент томонидан қабул қилинган, аммо Президент томонидан имзоланмаган қонунларнинг дастлабки назоратинигина амалга оширади, холос. Лекин шундай бўлса ҳам кучга кирган қонунларнинг Конституцияга зид, деб тан олиниши билан парламент қабул қилган, бироқ Президент томонидан имзоланмаган қонунни ман этиш ўртасидаги амалий фарқ у қадар катта эмас. Гарчи бу ҳол Президент томонидан хатоликларга йўл қўйиш эҳтимолини камайтиради.

Аммо, Эрон Ислом Республикасининг Конституцияга асос қилиб олинган тузумнинг Конституцияга мувофиқлиги устидан олиб бориладиган олий назоратнинг дин арбоблари томонидан амалга оширилиши тўғрисидаги ғояга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Республикамиз Конституциясининг лойиҳаларидан биридаги олий конституция назоратини умумий овоз бериш йўли билан бир умрга сайланадиган олий судья-ҳакам зиммасига юклаш тўғрисидаги таклиф ҳам унча тўғри эмас. Бундай тадбир давлат бошлиғини ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни жиддий равишда чеклаб қўяди.

Конституциянинг устунлиги барча бошқа қонунларнинг Асосий Қонунга мувофиқлиги устидан суд назорати мавжуд бўлган давлатларда бирмунча тўлароқ таъминланади. Италия, Олмония, Испанияда Конституциялар Асосий Қонун бўлиб, тегишли мамлакат қонунчилигида у ёки бу акт қачон ва ким томонидан қабул қилинганлиги ҳамда унинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги дастлабки қарорнинг мавжудлигидан қатъи назар, ана шу қонунлар мавжудлигининг мезони бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, конституциявий суд назорати йўли билан қонуннинг мазмунини ўзгартиришга йўл қўйилади.

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, **Конституциявий суд назорати мавжуд бўлган мамлакатларда Конституция устунлиги — айнан Конституция устунлиги демакдир.** Қонун устунликка эга бўлиб, Конституция эса қонун туфайли муайян имтиёзлардан фойдаланадиган Францияда аҳвол бутунлай ўзгача, яъни бу ерда Конституция тенг қонунлар орасидаги биринчи қонун ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси учун Конституция устунлигини таъминлаш мақсадида конституциявий суд назорати механизмидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Энг аввало, бу ҳолат ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этиш заруратидан давлат барқарорлиги тажрибасини тўплаш ҳамда шакллланаётган сиёсий-ҳуқуқий маданиятни эътиборга олади. Конституцион тузумнинг ҳаддан ташқари мослашувчанлиги кўп хавф-хатарлар келиб чиқишига сабабчи бўлиши мумкин.

Франция, Мексика, Сурия ва Миср Конституцияларида республика Президентининг конституциявий тузумнинг муҳим кафолати сифатидаги роли ва ваколати алоҳида таъкидлаб ўтилади. Бизнинг ёш давлатимиз Конституциясида ҳам мазкур ёндашувдан фойдаланиш зарур.

Конституция—бевосита ҳаракатдаги ҳуқуқ

ОЛМОНИЯНИНГ Асосий Қонунида бевосита ҳуқуқ сифатидаги Конституция нормалари тўғрисидаги муҳим қоида таъкидлаб ўтилган. Бу туб қоида амалда деярли бутун Ғарбий Оврупода қабул қилинган ёки қабул қилинмоқда. Шундай қилиб, ҳозирги кун шароитида тўғридан-тўғри ҳуқуқий қоидаларнинг конституциялар матнига киритилиши амалда катта аҳамияга эга. Масалан, Италия Конституцияси меҳнат ҳуқуқини таъкидлар экан, давлат зиммасига ёки иш билан таъминлаш ё иш билан таъминламаганлик учун моддий товон тўлаш мажбуриятини юклайди. Етмишинчи йилларда Италиядаги судлар Конституциянинг гўёки энг умумийдек туюлган талаблари (бир хил ижтимоий иззат-эътибор ҳуқуқи, оилани муҳофазалаш ҳуқуқи ва ҳоказо)га асосланиб, давлат тасарруфидаги бўш турган уйларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган уй-жойсиз оилаларга нисбатан қонуний (яъни тўғридан-тўғри қонундан келиб чиқадиган) санкцияларни қўлланишдан бош торта бошладилар.

Ўзбекистон Конституциясида халқ ва фуқаронинг Конституция томонидан кафолатланган асосий ҳуқуқлари мажмуни қисқа ва мазмундор шаклда беришнинг аҳамияти катта. Шу ўринда Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси ва Ислом инсон ҳуқуқлари декларацияси қоидалари бунинг учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Конституциянинг тўғридан-тўғри бевосита ҳаракати тушунчаси кўп маънолидир. Бунда унинг икки жиҳати: қонун чиқарувчилик ва ҳуқуқни қўлланиш жиҳатлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Биринчи маънода Конституциянинг тўғридан-тўғри ҳаракати Конституция нормаларини бажара бориб, аниқ-равшан ифодаланган янги норматив ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишини англатади. Агар Конституциядан ижтимоий ҳаётни бошқаришнинг демократик принциплари ўрин олган бўлиб, жорий қонунчилик тўла-тўкис унга асосланадиган бўлса, у ҳолда Конституциянинг бутун ҳуқуқий тизимига ижобий таъсир кўрсатиши муқаррардир.

Бундай вазиятда Конституциянинг Ўзбекистон қонунчилиги учун айниқса муҳим ҳисобланган айнан ўша, тўғридан-тўғри бевосита ҳаракати яққол намоён бўлади.

Конституция бевосита ҳаракатнинг иккинчи маъноси бу Конституция нормаларининг ҳуқуқни қўллаш органлари — судлар, ҳар хил давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, фуқаролар томонидан қўлланилишини англатади. Бунда суд (ёки бошқа орган) ўз қарорларини асослашда ўртада бирорта қонун чиқармаган ҳолда бевосита Конституция нормасига таянади.

Таассуфки, шу пайтга қадар Ўзбекистондаги судлар ўз қарорларини фақат ва фақат кодекслар ёки айрим қонунлар асосидагина чиқариб келдилар.

Конституциянинг бевосита ҳаракати бир неча қўринишларида намоён бўлади. **Биринчидан,** у Конституциянинг ўзи аксарият ҳолларда қатор олий давлат органларининг ваколат доирасини белгилашида ўз аксини топади. Конституциянинг ана шу йўсиндаги нормаларини қўллай бориб, олий қонун чиқарувчи, ижро ва суд органлари вужудга келади ва бевосита фаолият кўрсатади. Юқорида айтиб ўтилган ҳолларда ҳеч қандай воситачи қарор (ҳужжатлар)ларга зарурат қолмайди.

Иккинчидан, кўпчилик ҳолларда муайян бир масалаларни ҳал қилаётган судлар ва бошқа давлат органлари бевосита Конституция нормаларига таянадилар. Судлар қуйидаги ҳолларда Конституция нормаларига мурожаат этишлари мумкин: а) Конституциядаги бевосита кўрсатмалардан фойдаланилаётганда; б) судда оддий қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигига шубҳа туғилганда; в) судлар барча ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами ичидан зарур нормани топишга муваффақ бўлмаган ҳолларда сўнгги чора сифатида Конституция қоидаларига мурожаат қиладилар. Умуман, **мустақил суднинг биринчи навбатда Конституция моддаларига таяниши зарурлиги асосий қонда бўлиб қолмоғи зарур.**

Конституцияга риоя қилувчи ёки бўлмаса ўз ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш мақсадида унга мурожаат этувчи фуқароларнинг ўзлари томонидан Конституция нормаларининг фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Бунда агар мазкур масалага доир тегишли оддий қонунлар мавжуд бўлгани ҳолда (айниқса, бу қонунлар Конституция нормаларига мувофиқ бўлса) ҳар бир шахс Конституция нормаларига бевосита таянишга ҳақлими, деган савол туғилади. Бизнинг назаримизда, Конституция олий ҳуқуқий кучга эга эканлигидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳа, ҳар бир фуқаро шундай йўл тутишга ҳақли. **Унинг қоидалари ҳуқуқни барча қўллаши ҳолларида, агар бундай тегишли нормалар оддий қонунларда мавжуд бўлса ҳам амалда тўғридан-тўғри ҳаракатда бўла олади. Бу тўғридаги тегишли норма Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс эттирилиши лозим.**

Ҳуқуқий тизимнинг асосий мезоний қоидалари, унинг мақсади ва йўналишлари айнан Конституцияда очиб берилади. Конституциядан ўрин олган мақсадлар ва принциплар кишилар томонидан қабул қилинади ва уларнинг хулқ-атворларига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам Конституциянинг мақсад ва принциплари ижтимоий-руҳий нуқтаи назардан олиб қараганда, тўғридан-тўғри ҳаракат қилади, деб айтиш мумкин. Ҳуқуқий жиҳатдан эса Конституциянинг тўғридан-тўғри ҳаракати тушунчаси амалдаги мавжуд қонун-қоидаларга кўра Конституция нормаларига бевосита таянишга йўл қўйиладиган ҳоллар билангина чекланади.

Агар қонунчилик соҳаларида ҳуқуқнинг умумий принципларига ёки унинг мақсадларига ҳавола бўлмаса, ўйлаймизки, ана шу мақсад ва принципларни ўзида мужассамлаштирган Конституция нормаларининг таъсирини билвосита деб тан олмоқ лозим. Чамаси, суд талқинини ҳам ана шундай ҳоллар сирасига киритиш мумкин.

Конституциявий назорат органларининг фаолияти — бу Конституциянинг бевосита, тўғридан-тўғри, таъсири билан боғлиқ алоҳида бир ҳолдир.

Ўзбекистоннинг Конституциясида конституция нормаларининг тўғридан-тўғри ҳаракати тўғрисидаги қонда алоҳида таъкидлаб ўтилиши зарур. Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри бевосита ҳаракатда бўлиш принципининг Конституцияга киритилиши Асосий Қонуннинг ҳуқуқий самарадорлигини оширади ва уни бирмунча «таъсирчанроқ, ишчанроқ» қилиб қўйган бўлур эди.

Ўзбекистоннинг Конституциясида қатор мамлакатлардаги сингари (бошқа бирор манбаларга) ҳавола қилинадиган ҳоллар бўлмаслиги керак. Бу унинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш вазифасини пасайтиради.

Конституциянинг ҳажми ва ички тузилиши

ҲАР бир Конституция ўзининг ташқи ва ички тузилишига эга. Конституциянинг ташқи тузилиши унинг бошқа қонунлар ва ҳуқуқ манбалари билан бўладиган ўзаро алоқаларини ҳамда ҳуқуқий тизимдаги ва жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ўрни, роли ва аҳамиятини ифодалайди. Асосий Қонуннинг ички тузилиши эса Конституциянинг ички таркибий қисмлари: бўлимлар, боблар, моддалар (элементлар) ўртасидаги ўзаро алоқаларни кўрсатади.

Конституциянинг оқилона ички тузилиши ижтимоий муносабатларни тўла-тўкис, қарама-қаршиликларсиз норматив тартибга солишга имкон беради. Конституциянинг у ёки бу таркибий қисми (бўлим, боб, модда, моддининг қисми)нинг маъноси ва аҳамияти унинг фақат сўздаги ифодасигина эмас, балки унинг Конституция тузилишида эгаллаб турган муайян ўрнига ҳам боғлиқ.

Конституциянинг тузилиши изчиллик ва тараққиёт, барқарорлик ва ўзгарувчанлик сингари бир-бирига зид хусусиятлар билан тавсифланади. Замонавий иккинчи гуруҳ конституциялари, одатда, эски биринчи гуруҳ конституцияларига нисбатан бирмунча кенгроқ муфассал ички тузилиши ва катта ҳажми билан ажралиб туради. 1787 йилги АҚШ Конституцияси —еттита модда ва 26 та амалдаги тузатишлардан иборат. 1947 йилги Италия Конституцияси — 139 та моддадан, 1949 йилги Олмониянинг Асосий Қонуни — 146 та моддадан, 1958 йилги Франция Конституцияси — 92 та моддадан, 1978 йилги Испания Конституцияси — 169 та моддадан иборат.

Ривожланаётган мамлакатлардаги федератив давлатларнинг конституциялари, айниқса, катта ҳажмга эга. Масалан, 1950 йилги Ҳиндистон Конституцияси — 400 дан ортиқроқ модда ва 10 та иловадан иборат. 1969 йилги Нигерия Конституциясида — 331 модда ва 7 та илова бор. Қатор мамлакатларнинг конституциялари (асосан, инглиззабон)) кўп ҳолларда ўз табиатига кўра жорий қонунчилик томонидан тартибга солиниши керак бўлган муносабатларни ҳам батафсил тартибга солади. Ҳозирги кунда Конституция томонидан тартибга солинадиган масалалар кўламини кенгайтиришга бўлган интилишни яққол кузатиш мумкин.

Замонавий конституцияларнинг кўпчилиги қисқача муқаддима (преамбула) билан бошланади. У ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан ўта муҳим бўлган қоидаларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши мумкин. Бундан фақат муқаддимаси бўлмаган 1947 йилги Италия Конституциясигина мустасно, холос. **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ҳуқуқий аҳамиятидан келиб чиқиб, лойиҳада Конституциянинг қисқа муқаддимаси берилган.**

Конституциялардаги моддалар, одатда, сарлавҳа қўйилган бўлимларга бирлашади. Масалан, кичик ҳажмга эга бўлган Франция Конституциясида 15 та бўлим бор. Моддалари анча кўп, ҳажми ҳам икки баравар катта бўлган Испания Конституциясида эса атиги 10 та бўлим бор. Агар Франция Конституцияси учун бўлим — биргина (моддалардан ташқари) бўлинма бўлса, Испания Конституцияси учун асосийдир: чунки бўлимлар яна бобларга бўлинади. Бу ҳол 1992 йилги Украина Конституцияси лойиҳаси учун ҳам хосдир. Италияда эса Конституциянинг марказий бўлинмаси — боб бўлиб, унинг ички бўлими унинг элементи бўлиши шарт эмас. Италия Конституциясининг боби икки қисмга бирлашган (кириш қисми бобларга бўлинмайди), АҚШ Конституцияси ҳам бўлимлардан иборат, аммо бу ерда улар моддаларнинг қисмлари бўлиб ҳисобланади. (Конституциянинг жами 7 та моддаси 21 та бўлимдан иборат). Қатор конституцияларнинг моддалари ўз номига эга бўлса-да, (Португалия, Ангола) лекин кўпинча (Покистон, Туркия, Швеция ва ҳоказолар) уларнинг номлари бўлмайди.

Жаҳон конституциявий амалиёти ва миллий анъаналардан, лисоний талқинидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси ҳам 127 моддадан таркиб топган 28 бобни бирлаштириб турувчи 6 бўлимдан иборатдир.

Мазмун жиҳатидан Америка Конституцияси (тузатишлар билан биргаликда) тўртта гуруҳ нормаларни ўз ичига олади: **биринчидан,** федерал ҳокимият ҳақида; **иккинчидан,** федерация ва штатларнинг муносабатлари ҳақида; **учинчидан,** шахс ва давлат муносабатлари ҳақида, фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақида; **тўртинчидан,** Конституцияни ўзгартириш тартиби ҳақида. Ундан ташқари, Конституция ва тузатишларда шундай қоидалар борки, уларда АҚШ давлат ҳуқуқининг муҳим принциплари, хусусан республика бошқарув шакли, федерализм, ваколатларнинг бўлиниши, очиқ жамият, ҳуқуқ ва қонун устунлиги, суд конституциявий назоратининг мавжудлиги каби принциплари ишлаб чиқилган.

Турли конституцияларнинг ички тузилишидаги фарқи— тегишли боб ва бўлимларнинг жойлашувида, уларнинг турлича даражада деталлаштирилишида ҳамда аниқ конституциявий институтларини мустаҳкамлашдадир. Америка Конституциясида ва Британиянинг ёзилмаган Асосий Қонунларида конституциявий принциплар одатда, қонун чиқарувчи, суд ёки назариёт томонидан келтириб чиқарилади. Бунинг катта фарқи йўқ. Замонавий чет эл конституциялари эса одатда, конституциявий принципларни қайд қилади. Бу ўз навбатида конституциявий нормалар билан конституциявий принциплар ўртасидаги муайян фарқни амалда йўқотиб юборади.

Италия конституциявийшунослигида таъкидланадики, 1947 йилги Асосий Қонуннинг кириш қисмидаги «Асосий принциплар»нинг мавжудлиги тегишли конституциявий принципларнинг устивор имтиёзга эга эканлигидан сира ҳам далолат бермайди. Уларнинг бундай жойлашуви кейинги икки қисмда бириктирилган нормаларга бўлган умумий муносабати билан изоҳланади. Бу ҳолат Испания Конституциясига ҳам тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг 1 бўлимида қолган барча матнга нисбатан муҳим аҳамиятга молик бўлган конституциявий принциплар акс этган.

Замонавий конституциялар тузилишидаги барча фарқларга қарамай, улар анъанавий ҳокимият ваколатларининг бўлиниш қоидасига мувофиқ тузилади. Яъни бу қонун чиқарувчи, ижро (ҳукумат) ва суд ҳокимияти. Аммо ҳамма ҳолларда ҳам органлар бу тартибда берилмаган. Масалан, Франция Конституциясида даставвал республика Президенти, Ҳукумат, сўнг Парламент, фақат VIII, IX — бўлимларгина суд ҳокимиятига бағишланган. Бу ерда унитар Президентлик республикаси шакли мустаҳкамланган. АҚШда эса федератив Президентлик республикаси жорий этилгандир. Туркманистоннинг янги Конституциясида ҳам худди шу ҳуқуқий мантиққа амал қилингандир. Аммо Президентдан олдин Туркманистон Халқ маслаҳати тўғрисидаги боб келади. Амалдаги Миср Конституциясининг 5-қисми бўлмиш «Давлат тузилиши»да 1-ўринга «Давлат бошлиғи» чиқарилган.

Айнан Президентнинг фақат ижро ҳокимиятининггина раҳбари эмас, балки давлат бошлиғи, миллат ва халқни жипслаштирувчи тимсол эканлиги, Ўзбекистон Республикасида президентлик бошқарув шакли жорий этилганлигидан келиб чиқиб Конституцияда Президентга бағишланган боб давлат органлари тизимида биринчи ўринда берилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу масала бўйича илмий ва партия-сиёсий давраларда бўлиб ўтган баҳслар чоғида, бир томондан, бизнинг давлатимиз оғир ўтиш даврини бошидан кечираётган пайтда давлат бошлиғининг жамиятдаги аҳволни барқарорлаштиришдаги ролини тушунмаслик, иккинчи томондан, «соф парламентчилик» шиори остида бекиниб бирёқлама сиёсий ҳисоб-китоблар ва маълум бир фуқароларнинг ҳис-туйғуларидан фойдаланиб қилинаётган ҳатти-ҳаракатларда аён бўлмоқда.

ЯНГИЛАНИШ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

Конституция ва инсон ҳуқуқлари

КЎПЧИЛИК конституцияларда шахс ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар, яъни инсон ҳуқуқларига мустақил алоҳида ўрин берилган. Олмония Конституциясида — бу биринчи бўлим: «Ҳуқуқлар». Италия Конституциясида — биринчи қисм: «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари». Осиё халқлари дунёқараши ва мафкурасига Япония Конституциясидаги учинчи боб: «Халқнинг ҳуқуқлари ва бурчлари» формуласи кўпроқ мос келади. АҚШ Конституциясида бу ҳуқуқий қоида ҳуқуқлар Биллида Асосий Қонунга киритилган (дастлабки 10 та тузатиш курнишида ифодаланган).

Замонавий конституциялар биринчи ўринга муқаддима ёки кириш қисмларидан сўнг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалаларини чиқаришади ва улар, одатда анчагина катта ҳажмни (масалан, Испания Конституциясининг учдан бир қисмини) эгаллайди. Бунда фуқароларнинг бурчлари алоҳида моддаларда ифодаланган. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Италия Конституциясининг тўртта бобида шахсий, маънавий-ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари тарзида батафсил тартибга солинган. Аммо бугунги кунда Испания Конституцияси бундан ҳам бирмунча тўлароқ, яъни у фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибида, шунингдек, Конституциявий судда ҳимоя қилинишини кўзда тутади. Фуқароларнинг сиёсий партияларга бирлашиш ҳуқуқи ҳозирги замон конституциявийшунослиқда шунчаки инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бир тури сифатида эмас, балки замонавий демократиянинг асосий мезони, принципи сифатида талқин этилади.

Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасидаги II бўлим инсон ҳуқуқлари муаммосига бағишланган бўлиб, ўз ҳажми бўйича энг катта қисмлардан биридир. У 31 моддани 7 бобга бирлаштиргандир. Бу ерда жаҳон конституциявий амалиётининг ютуқлари ва халқаро ҳуқуқ қоида ва талаблари атрофлича ҳисобга олиниб, Асосий қонун матнига уйғунлаштиришга интилинган.

Конституция, жамият ва шахс

ЎРТА Осиё халқлари учун анъанавий ҳуқуқий онг асосида жамоа (халқ) ва унинг аъзолари ҳуқуқ ва бурчларининг узвий бирлиги ётади. Бу анъана машҳур ватандошимиз имом Муҳаммад ал-Бухорий каби фақиҳларимиздан бошланган. Республикадаги барча аҳолини ягона халқ сифатида жиплаштиришга қаратилган лойиҳадаги 8-моддининг туб моҳияти ҳам шундадир.

Оиланинг барқарор ижобий роли, унинг жамият асосий бўғини сифатидаги аҳамияти лойиҳада махсус бобда етарлича ёритилган.

Чет мамлакатларнинг конституциялари, одатда фуқаролик жамияти ишларига, айниқса унинг иқтисодий ва ижтимоий тузилмаларига ниҳоятда эҳтиёткорлик билан аралашадилар. Шундай конституциялар борки, (Франция, Австрия, АҚШ), уларда бундай масалалар, мутлақо кўзда тутилмаган. Бизларда эса жамият ҳаётини тартибга солишга интилиш анъанаси ижтимоий муносабатлар тараққиётини аввалдан белгиланган конституциявий қоидаларга бўйсундириш шаклланган. Шунинг учун **Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасида муайян ижтимоий тузимни эълон қилишдан, яъни «социалистик» ёки ўзгача бирор бир жамиятни тузиш вазифасини белгилашдан воз кечилган.** Зероки, бу Конституциянинг вазифасига кирмайди. Шу билан бирга лойиҳада жамият ва шахс ўзаро муносабатларининг асосий принциплари қисқа ва аниқ ҳуқуқий шакларда (мафкуравий эмас) берилган. Чунки, ижтимоий ва иқтисодий структураларга хос бўлган барча ҳолатларни майда тафсилотларгача маълум тартиб ва қонун-қоидаларга бўйсундириш, бир томондан, мураккаб ўтиш жараёнида жамиятга ўзини ўзи ростлаш имкониятини бериш лозим бўлганда ножоиздир. Иккинчи томондан эса, қонун чиқарувчи органларни тез ўзгарадиган вазиятларга (умумий принциплар доирасида) зудлик билан муносабат билдириш билан чеклаш мақсадга мувофиқ эмас.

Жамоат бирлашмалари ҳар бир фуқаролик жамиятининг ажралмас таркибий қисмидир. Сўнгги йилларда Республикамиз Адлия вазирлиги томонидан 250 дан ортиқ турли жамоат бирлашмалари рўйхатга олинди. Улар фаолиятининг конституциявий асослари лойиҳанинг махсус бобида кўрсатилган.

Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасида давлат ҳокимияти орқали кўриб чиқиш йўли билан молия ва бюджет, ташқи сиёсат, мудофаа ва ҳавфсизлик муаммоларини алоҳида конституциявий тартибга солиш мустақил бобларда кўзда тутилган.

Асосий қонун барқарорлиги ва кафолатлари

Замонавий Конституциялар якуний бандларининг мазмуни, бу — конституциявий кафолатлар (Италия), Конституцияни қайта кўриб чиқиш (Франция), Конституцияни тасдиқлаш (ратификация қилиш) (АҚШ) ва шунга ўхшаш қоидалардан иборат. Савол туғилади: бу ерда энг муҳими нима? Аввалгидек бу Конституциянинг барқарорлигини, уни қабул қилиш ва ўзгартириш тартибини ўрнатишни англатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг якунловчи VI бўлимини айнан барқарорлик масаласи орқали нфодалаш ўринлидир. Фақат бу ерда Конституциянинг қайта кўриб чиқиш ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар рўйхатини — Президент, Олий Кенгаш, Конституциявий судни аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ғарб мамлакатларидаги иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган конституциялар одатда узоқ муддатга мўлжалланмаган, бирок Асосий Қонун қабул қилинаётган вақтда конституциявий аҳамиятга молик ўткинчи характерга эга бўлган қоидалар мажмуи билан якунланади. Бу хилдаги норма, биринчи навбатда, давлат организмининг янги конституциявий шароитларда узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган. Олмония ва Франция конституцияларида бу қоидалар асосий матнга киради (Франция Конституциясидаги 3 та сўнгги модда ва Олмония Конституциясидаги 30 та модда). Италияда ва Испанияда тегишли бўлимлар қоидалари алоҳида рақамланган бўлиб, алоҳида муҳим қисмни ташкил этади. Италия Конституциясида бундай қоидалар 18 та, Олмонияда 17 та, Россиянинг 1992 йилги Конституцияси лойиҳасида ҳам шунингдек, ўтиш даврига хос бўлган ва янги ижтимоий тузимни жорий этишга қаратилган ҳамда босқичма-босқичликни тартибга солувчи қоидалардан иборат батафсил бўлим тавсия этилган.

Ўзбекистон Конституциясининг лойиҳасида бундай бўлим йўқ. Бу ерда Асосий Қонунни кучга киритиш тартибини кўзда тутувчи махсус конституциявий Қонун қабул қилиш борис мантиққа тўғридир.

Конституция — Конституциявий ҳуқуқнинг ягона манбаи эмас. Кўпчилик Оврўпа мамлакатлари учун одатда худди шу конституцияга ўзгаришлар киритиш усулида қабул қилинган конституциявий қонунлар ҳам ана шундай манбалардан ҳисобланади. Бу қонунлар асосий конституциявий мавзуни (масалан, Италия ва Испания Конституциявий судининг мақоми айнан конституциявий қонунлар билан) ривожлантириш учун ёки конституция матнининг ўзида кўрсатилган бевосита кўрсатма асосида (Францияда — бу Конституциявий кенгаш, Иқтисодий ва ижтимоий Кенгашлар ва ҳоказолар тўғрисидаги органик қонунлар) тартибга солинган. Конституциявий қонунлардан фойдаланиш конституция матнига тегмаган ҳолда унинг тадрижий ривожланишига имконият яратади. Шунинг учун ҳам **лойиҳанинг 80-моддасида Конституциявий қонунлар қабул қилишнинг алоҳида тартиби белгиланган.**

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги» Конституциявий Қонун бизнинг амалиётдаги худди шундай биринчи ҳужжатдир. У таркибий қисм сифатида Конституцияга киритилса яхши бўлар эди. Бундан ташқари **Франция Конституциясининг тажрибасига кўра Ўзбекистон Конституциясининг матнида конституциявий қонунларга ҳавола бўлиши мумкин.**

АҚШда эса конституция бошқача йўл билан ривожлантирилади. АҚШ конституциявий ҳуқуқини моҳиятан Олий суд қарорларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Оврўпа мамлакатларидаги конституциявий судларнинг қарорлари ҳам конституциявий аҳамиятга эгадир. Чунки улар бевосита ёки билвосита конституцияни талқин қилади ва ҳуқуқий ҳамда сиёсий тузумнинг ўзгаришларини расмийлаштиради ёки ривожлантиради.

Ўзбекистондаги айрим ҳуқуқшуносларга ана шундай йўлдан бориш маъқулдай кўринади. Бироқ бу ўринда бизнинг республикамизда давлатчиликнинг ривожланиш даражасини ўзгачалиги эътибордан четда қолдирилади. Бу ўринда ҳуқуқий маданият даражаси ва малаканинг савиясини ҳам ҳисобга олмоқ керак. Гарчи давлат ҳокимияти устидан шариат назоратини ўрнатиш тажрибаси кўп асрлар бўлган бўлса-да, бироқ унинг Темур ёки Шайбонийхон замонларида амалда фаолият кўрсатганлиги эҳтимолдан узоқ. Ҳа, бугунги ҳуқуқий тизим ҳам кўп ҳолларда ўзгача асосга эга.

Конституциявий битимлар давлат органларининг фаолияти ва муносабатларида шаклланган сиёсий анъаналарни акс эттирувчи ўзига хос ҳуқуқ манбандир. Хусусан, парламент ички иш юритиш қоидалари, парламент ва ҳукумат орасидаги муносабатлар ана шундай конституциявий битимлар воситасида белгиланади.

Афтидан, бундай тартибни Ўзбекистонда конституциявий қурилишдаги қўшимча тадбир сифатида қўлланиш мумкин.

Конституция ва сиёсий партиялар

Конституция фуқароларнинг сиёсий партияларга бирлашиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш масаласига эҳтиёткорлик билан ёндашади. Чунончи, Олмония Конституциясининг 21-моддасида сиёсий партиялар фаолияти, ҳуқуқий мақомининг тафсилоти ҳамда 3-бандда эса партиялар ҳақида махсус федерал қонун бўлиши таъкидланган.

Агар Италия Конституциясида партиялар ва уларнинг мақсадлари ҳақида алоҳида модда йўқ бўлса, Олмониянинг Асосий Қонуни эса демократик тузум асосларига қарашли антиконституциявий партияларни таъқиқлайди.

Сиёсий партияларнинг фаолиятини бевосита конституциявий нормалар орқали жорий қонунлар билан ҳам тартибга солиш мумкин. Шу муносабат билан 1967 йилда Олмонияда «Партиялар тўғрисида»ги қонун қабул қилинган эди. Хусусан, бу қонунда сиёсий партияларнинг ёзма низоми ва дастурларининг бўлиши, уларнинг ҳудудий бирлашмаларга бўлиниши талаб этилади. Бу қонун тажрибаси кўп жиҳатдан Испания ва Португалияда ҳам қабул қилинган.

1974 йилда АҚШ ва Италия сиёсий партияларни давлат томонидан маблағ билан таъминлаш тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар. АҚШда гап асосан сайлов компанияларига маблағ ажратиш хусусида боради. Италияда эса сайлов чиқимларининг бир қисми улар якунлангандан сўнг тўланади. Бундан ташқари, партияларга уларнинг парламент гуруҳлари тимсолида ҳар йили парламентнинг партиявий таркибига қараб, шунга яраша давлат дотациялари берилади. Яна қатор мамлакатларда қабул қилинган партияларни маблағ билан таъминлаш тўғрисидаги қонунлар энг аввало яширин иқтисодиёт ва чет эл сармояларининг таъсирини чеклашга қаратилгандир. Шунинг учун партиянинг ваколатли органларининг кирим-чиқим дафтарларини юритиши ва ҳар йили давлат органларига ошкора ҳисобот бериши қонунларда алоҳида кўзда тутилади. Туркия республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунида бунга, айниқса, қатъий амал қилиниши талаб этилади.

Францияда эса жамоатчилик партиялар тўғрисида ҳеч қандай қонунлар керак эмас, деб ҳисоблайди. Чунки бундай қонунлар партиялар фаолиятини чеклаб, уларни давлат назорати остига солиб қўяди. Ҳаттоки, Миллий Йиғилиш Регламенти партиявийликка асосланган фракцияларга бутун бир бобни бағишласада, умуман, партия тушунчасини четлаб ўтган. Аксинча, Италия парламентининг Регламентида катта қисм партияларнинг парламент фаолияти масалаларига бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасида фуқароларнинг сиёсий бирлашмаларга бирлашиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Бу борада Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун»нинг лойиҳасини ишлаб чиқди.

Партиявий давлатчилик концепцияси у ёки бу даражада Оврўпада тарқалган. Партиялар, бир вақтнинг ўзида давлат ва фуқаровий жамиятни бир-бирларига боғловчи бўғин бўлиб хизмат қиладилар. Аммо кўп мамлакатларда партияларнинг кўппартиявийликка асосланган катта тажрибаси борлигини ёддан чиқармаслик лозим.

Конституция лойиҳасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимини бажараётган вақтда партиясизлиги тўғрисидаги қоида киритилган (90-модда). Бу модда қабул қилинадиган бўлса, бу маълум бир маънода жаҳон тажрибасини инкор этиш демакдир. Наҳотки, АҚШ, Франция, Туркия ёки қайси бир «маданий дунё»даги Конституция ва Қонунлар Президентдан унинг ҳокимият сари бораётиб ўзи таянган партиясидан чиқишини талаб қилса?

Айни пайтда **фақат судьяларгина эмас (111-модда), балки, барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳамда Ҳарбий Кучлардаги хизматчиларнинг сиёсий партияларга аъзолигини чеклашни кўзда тутмоқ керак.**

Конституция ва ҳокимият ваколатларининг бўлиниши

Франциянинг 1789 йилги «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси»нинг 16-моддасида инсон ҳуқуқларининг кафолатлари таъминланмаган ва ҳокимият ваколатлари бўлиб қўйилмаган, жамият конституциясига эга эмасдир, деб таъкидланган. Ҳокимиятларнинг бўлиниш принципи барча чет эл конституциялари томонидан қабул қилинган. У ҳокимиятнинг турли шохобчалари тенглигини англатиш билан бирга у ёки бу ҳокимиятнинг тегишли соҳадаги мутлақ ваколатларини белгилаб беради.

Ривожланаётган мамлакатларнинг конституцияларида Президентлик бошқарув шакли кенг кўламда қабул қилинган. Бу ҳолат трайбализм (ёш мамлакатларни вақтинчалик ва минтақаларга қараб бўлиб юбориш) ҳавфидан келиб чиққан эди.

Президентнинг конституциявий статуси

Америка Қўшма Штатларида ҳокимият ваколатларининг бўлиниш принципи моҳияти шундан иборатки, турли давлат органлари, яъни қонун чиқарувчи, ижроия ва судлов ҳокимиятлари муайян бир мувозанатда ушлаб турилади. Қонун чиқарувчи ҳокимият — Конгрессининг розилиги билан ижроия ҳокимият томонидан шакллантирилган суд ҳокимияти шарт-шароитлар бўлганда конституциявий назорат тартибида Конгресс актларини бекор қилиш ва Президент Конгресс қабул қилган лойиҳаларни қайтариш ҳуқуқига эгадир. Шу билан бирга ўзаро мувозанат тизими ҳам Президентнинг амалдаги ваколатларини анчагина кенгайтиришдан сақлаб қола олмади. (Конгрессининг Вьетнам урушидан сўнг уларни чеклашга қаратилган саъй-ҳаракатларига қарамасдан).

Гарчи анъанага кўра, АҚШ Президенти ташқи сиёсат соҳасида катта конституциявий ваколатларга эга, ички сиёсат соҳасида, шунингдек, Конгресснинг таъсири ташқи сиёсатга қараганда анчагина салмоқли бўлсада, бунда Президент ҳокимиятининг ролини кучайтиришга бўлган интилиш яққол кўзга ташланади. АҚШдаги ўзига хослик шундан иборатки, президентлик ҳокимиятининг юксалиб бориши бошқа ҳокимият шохобчаларининг заифлашувига боғлиқ эмас.

Конгресс Конституция асосида бюджет маблағларини тақсимлаш ҳуқуқидан фойдаланиб, президентга таъсир кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасида ҳам олий қонун чиқарувчи органнинг, яъни Олий Мажлис ана шундай ҳуқуқа эга эканлиги мустаҳкамланган (75-модда).

АҚШ Президенти Конституциянинг II моддасига асосан армия, флот ва штатлар милициясининг бош қўмондони сифатида ҳарбий соҳада ўзига бериб қўйилган кенг ваколатлар доирасида сиёсий жараёнда марказий ўринни эгаллайди: халқаро шартномалар тузиш, қонуншуносликсиёсатини ўтказиш соҳасида конгрессга мактублар йўллаш, қонун ташаббускорлик ҳуқуқларидан фойдаланиш, конгрессни фавқулодда сессияларга чақириш кабилар, Федерал мансабдор шахсларни, жумладан, вазирлар ва судларни (улар конгресс томонидан тасдиқланган тақдирда) тайинлаш ва улар орасидаги ижро ҳокимияти тизимида ишлаётганларни бўшатиш. У қонунларни қўллаш соҳасида муҳим ваколатларга эга, яъни хусусан ижро буйруқларини, қоидаларни, чақириқларни, ҳарбий буйруқларни, кўрсатмаларни чиқаради, шунингдек, у ҳукмнинг ижро этилишини кечиктириш ва авф этиш ҳуқуқига эга. Суд буйруқларининг ижросини таъминлаш учун президент ҳарбий кучларни қўлланиш тўғрисида буйруқ чиқариши мумкин.

Франция Конституцияси бўйича Президент қонун чиқариш тадбирларини ўтказади, фавқулодда ҳолатни жорий этади, парламентни тарқатиб юборади. Унинг ўзи (парламент иштирокисиз ҳам) ҳукуматни тайинлайди ва унинг аъзоларини ишдан озод этади ҳамда бошқа ваколатларни амалга оширади.

1958 йилги Франция Конституцияси парламент устунлиги тўғрисидаги классик назариядан воз кечди ва 34-моддада у қонунлар қабул қилиш мумкин бўлган соҳаларни санаб ўтади. Бошқа барча масалалар бўйича президент ва ҳукумат қонун ижодкорликни амалга оширади.

Ушбу президент ва парламент ўртасидаги ҳокимият ваколатларининг бўлиниш тартибидан фойдаланиш асослидир. Бу эса республикамизнинг барча ижтимоий институтларини сафарбар этиш, халқ олдидаги аниқ-равшан масъулиятни ҳис қилиш имконини беради. Импичмент ҳуқуқини ҳам Конституцияга киритиш зарур.

Франция Президентининг давлат ҳаётининг барча жабҳаларидаги ҳуқуқлари ниҳоятда кенгдир. Парламент Президентни сайлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлибгина қолмасдан, балки уни вазифасидан озод қилиши ҳам мумкин эмас. Президент парламент билан мактублар ва номалар воситасида муносабатда бўлади ва бу номлар палаталарда ўқиб эшиттирилади ҳамда ҳеч қандай муҳокамага йўл қўйилмайди. Агар парламент кенгаш қилмаётган бўлса-ю, президент нома йўллаган бўлса, палаталар уни маҳсус тинглаш учун чақириладилар. Парламент қабул қилган барча қонунлар ўн беш кунлик муҳлат ичида Президент томонидан имзоланади. Шу муҳлат ўтиб бўлгунга қадар у Қонуннинг бутунлигича ҳаммасини ёки унинг айрим моддаларини қайтариб янгидан муҳокама қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга. Президент ҳар қандай қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириб чиқиш учун ўзи имзолангунча бу қонунни Конституция кенгашига бериши мумкин.

Президент давлат ҳокимиятларини ташкил этиш билан боғлиқ ёки халқаро шартномани ратификация қилиш мақсадини кўзловчи қонун лойиҳасини референдумга қўйиш ҳуқуқига эга. Референдумда маъқуллангандан сўнг, президент ушбу актни имзолайди, яъни бундай ҳужжат парламентни четлаб ўтган ҳолда қонун тусини олади.

Президент Бош вазир ва парламент палаталарининг раислари билан маслаҳатлашиб олгач, (уларнинг фикрлари ҳамиша ҳам эътиборга олинавермайди) Миллий кенгашни, яъни парламентни тарқатиб юбориши мумкин.

Франция Президентининг ваколатларини тавсифлашда унинг конституциявий ҳуқуқларини ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил қилиш билангина чекланиб бўлмайди. Бунда анъаналар ва амалиёт жуда улкан аҳамият касб этади. Конституциянинг 20-моддасига мувофиқ ҳукумат «миллат сиёсатини белгилайди ва олиб боради» ҳамда парламент олдида масъулдир. Республика Президентига келсак, у 5-моддага мувофиқ Конституциянинг бажарилишини назорат қилиб боради. Давлат бошлиғи ижро ҳокимиятининг ягона бошлиғига айланиб, қонун чиқарувчи ҳокимият рақобатидан озоддир. Бош вазир ўзини Президентга тўла тобеъ шахс деб ҳисоблаш одат тусига кириб қолган. Бу қоидага фақат 1986—1988 йилларда, яъни Бош вазир вазифасини Президентга мухолиф партиянинг раҳбари эгаллаган даврдагина амал қилинмади.

Франция бундай конституциявий нормаларга, яъни президентлик бошқарув шаклига узоқ ва машаққатли изланишлар натижасида келди. Бу тизим ҳокимият учун курашда юз бериши мумкин бўлган ижтимоий нотинчликлар ва партиялараро низоларнинг олдини олиш механизмидир.

Франция Конституциясининг 16-моддасида Президентнинг фавқулодда ҳолат жорий этиш ҳуқуқи кўзда тутилган. Шунингдек, бу моддада фавқулодда чора-тадбирларни жорий қилиш тартиби ҳамда бошқа давлат идораларининг роли, вазифалари ҳам белгилаб берилган.

Биздаги мавжуд шарт-шароитларни, ҳозирги вазиятни ҳисобга олиб, **Республика Конституциясида Президентга ана шундай ҳуқуқларнинг ҳам берилиши муҳим аҳамиятга эга.**

Франция Конституциясига мувофиқ собиқ давлат бошлиғи бу вазифадан кетганидан кейин ҳам умрбод Конституциявий кенгаш аъзоси бўлиб қолади, бу эса унга юксак обрў-эътиборию моддий аҳволини сақлаб қолиш имкониятини беради. Шу билан бирга Конституциявий кенгашдаги ишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳар қандай бошқа фаолиятдан воз кечишни талаб қилади. Шу сабаб, кетаётган президентлар ушбу имтиёзлардан фойдаланмайдилар. Францияда бу соҳада Италия тажрибасини қўлланиш масаласи муҳокама қилинмоқда. Маълумки, Италияда кетаётган президент умрбод сенатор бўлиб қолаверади. Худди шундай қоида **лойиҳанинг 96-моддасида Президент истеъфога чиққандан сўнг, умрбод Конституциявий суд аъзоси бўлади, деб мустаҳкамланган.**

Конституция ва депутатлар

АЙРИМ чет эл конституциялари депутатлар ҳуқуқларини анча кенг белгилайди. Хусусан, депутатлик иммунитети (даҳлсизлиги)дан фақат парламент томонидан маҳрум қилиниши мумкин деган қоида кенг тарқалган. Масалан, Уругвай Конституциясига кўра, (112—115-моддалар) қонун чиқарувчи палаталарнинг бирор аъзоси сайланган кунидан бошлаб то ваколат муддати тугамагунча, агар жиноят устида қўлга тушган (бундай ҳоллар тегишли палатага иш тафсилотлари тўғрисидаги қисқача ҳисобот билан бирга дарҳол хабар қилиниши лозим) бўлмаса, албатта, ҳибсга олиниши мумкин эмас. Биронта сенатор ёки вакиллар палатасининг аъзосига тегишли палатадан ўзга жойда жиноий айб қўйилиши мумкин эмас. Айблов фақат тегишли палата олдида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳақиқатан асос бор-йўқлигини ҳал қилади. Қўйилаётган айб тасдиқланган ҳолларда депутатнинг ваколатлари тўхтатилган ҳисобланиб, иш тегишли судга оширилади.

Кўпчилик конституцияларда депутатлик иммунитетини кафолатлаш тартибида депутат ўзининг парламентда сўзлаган нутқлари ёки овоз берганлиги учун таъқиб қилиниши мумкин эмас, деб маҳсус кўрсатиб ўтилган. **Ушбу қоида ҳам Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасининг 87-моддасида ўз аксини топган.**

Қатор конституцияларда сафдан чиққан (хусусан, қазо қилган) депутатларнинг ўрнига янгиларини сайлаш муддатлари аниқ белгилаб қўйилган. Мексика Конституциясида депутат (сенатор) билан бир вақтда унинг ўринбосари сайланади. Ўринбосарнинг ҳуқуқлари депутат (сенатор) сафдан чиққан даврдан бошлаб қонуний кучга киради. Бу бутун ваколат муддат давомида сайловчилар манфаатининг изчиллигини таъминлаш, тўсатдан сафдан чиққан депутат ўрнига янгисини сайлашда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатони истисно қилиш имконини беради, қонуншуносларни тайёрлаш сифатини яхшилайди ва асосий номзодни сиёсий ёрдамчи билан таъминлайди. Ўзбекистон Конституциясига ана шундай сайлов тартибини киритишни муҳокама қилиб кўриш мумкин.

Мексика Конституциясида депутатликка сайланишда чеклашларга эга бўлган шахслар доираси аниқ белгилаб қўйилган. Булар қўлларидаги давлат ҳокимияти ёки жамиятдаги обрў-эътибори билан ихтиёрий ёки беихтиёр равишда фуқароларнинг эркин ҳоҳиш-иродасини ифодалашга ҳалақит бериши мумкин бўлган шахслардир. Шу тариқа губернаторлар эгаллаган вазифалардан кетганидан 90 кун кейин, шунда ҳам ўзи бошқарган маъмурий ҳудуддан бошқа жойда сайланишлари мумкин. Дин пешволари ҳам депутатликка сайланишлари мумкин эмас. Шунга ўхшаш тартиб Греция Конституциясининг 56-моддасида кўзда тутилган.

Муаммонинг бу маънода ишлаб чиқилишини Ўзбекистон Конституциясида акс эттириш мумкин ва бу парламентнинг демократиялашувини ошириб, уни маъмурий ҳокимият ва норасмий таъсир кучларидан узади. Кучли Президентлик бошқаруви шароитида бундай ёндашув парламент мустақиллигининг кенг бўлишини кафолатлайди.

Кўпчилик конституцияларда депутатликка сайланган шахс воз кечиши керак бўлган машғулот ва фаолиятларининг батафсил рўйхати келтирилади. Миср Конституциясида бу энг аввало ҳар хил турдаги тижорат-тадбиркорлик фаолияти, давлат органлари билан бўладиган олди-сотди битимларидир. Бироқ Бразилия Конституциясида бунга қўшимча равишда яна битта муҳим қоида бор (48-модда II қисм): ўз ваколатларини қабул қилиб олган лаҳзадан бошлаб депутат оммавий ҳуқуқ бўйича юридик шахсга қарши судда чиқиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Олий қонун чиқарувчи ҳокимият органларининг депутатлари зиммасига конституция томонидан қўлланадиган чеклашлар уларнинг мустақиллигини ва фуқаровий нуфузини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Олий Кенгаш депутатларининг мустақиллиги учун ана шундай йўсиндаги кафолатлар кўзда тутилиши мумкин.

Шарқ мамлакатларидаги ижтимоий тафаккур учун унинг эҳтиёжлари билан бирга, бир томондан, тушунчалар, атамалар барқарорлигида, иккинчи томондан, уларнинг миллий жаранглашида — олий қонун чиқарувчи органни номлаш муаммоси ҳар хил ҳал қилиниши мумкин. «Олий Мажлис» атамаси бизнинг парламентнинг янги номи сифатида лойиҳада эълон қилинган. Бироқ Туркистон халқларида бунақа номдаги орган бўлмаган. «Қурултой» миллий давлат ҳуқуқий бошқарувининг олий кўриниши бўлган. Фуқароларнинг катта қисми учун халқ ҳокимиятчилигининг тимсоли сифатида қабул этилган «Олий Кенгаш» номини ўзгартириш керакмикан? Бунинг устига, у мутлақо мафкуралаштирилган, халқаро даражада тан олинган, ўзбек тилида ўзининг муқобилига эга. Ҳоким лавозими эса бутунлай бошқа гап — бу ерда миллий муқобил атама ҳар қандай ўзгартиришлардан кўра кучлироқдир. Ҳодисанинг моҳияти ва унинг давлат тилидаги номи айримча («депутат» ва «нойб») бўлган ҳолларда ҳуқуқий янги атамаларни жорий этишга олиб келиши керак эмас.

Конституциянинг сифати ҳусусида

АСОСИЙ Қонуннинг сифат мезонлари қандай бўлмоғи лозим? Чунки муайян мезонларсиз холисона ёндашувнинг бўлиши эҳтимолдан узоқ. Бундай мезонлар бизнинг фикримизча қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, Конституциянинг Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш эҳтиёжлари ва истиқболларига мувофиқлиги. Бу ерда ўтиш даврининг эҳтиёжлари билан ўзбек давлатчилигидаги мустақил тажрибани орттириб бориш истиқболларининг бирлиги муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, халқаро конституциявий тажриба ва унинг Ўзбекистон Республикаси конституциявий қурилишида ижодий қўлланилишининг мумкинлиги. Бу ерда энг аввало, кўп миллатли ўзбек давлатининг бошқа мамлакатларнинг конституциявий тараққиётидан ўзини оқлаган илғор омиллар орқали эришган ҳуқуқий онг, маданият, маънавият ва анъаналар бойлигини ҳисобга олишнинг аҳамияти катта.

Учинчидан, Конституциянинг ҳуқуқни қўллашдаги юксак имкониятга эгалиги. Унинг нормалари шундай баён этилиши лозимки, бунда улар давлатнинг ҳуқуқий ҳаётида бу нормалардан асосли равишда фойдаланиш, жамиятнинг ҳуқуқий маданиятига, фуқароларнинг қонунга итоат этишлари имкониятига эга бўлиши лозим.

Тўртинчидан, Конституциянинг ҳуқуқ манбаи сифатидаги етакчи роли. Қонун чиқарувчилар Конституция шарофати билан конституциявий ва жорий қонунчиликни ривожлантириш йўналишларига эга бўлишлари лозим, бу эса ўз навбатида тасодифий бўлмаган, мақсад сари йўналтирилган қонун ижодкорликни, ҳуқуқий ислоҳотни кафолатлайди.

Бешинчидан, Конституциянинг давлат ва жамиятда барқарорликка эришишидаги аҳамияти, яъни унинг плюралистик (кўп фикрлилик) ва консенсус (муросасозлик) имкониятлари.

Олтинчидан, унинг мазмунан қарама-қаршиликларсиз бўлишини кафолатлайдиган мантиқий яхлитлиги ва системалилиги. Бу ерда ўзига хос мураккабликлар мавжуд. Масалан, айрим муаллифлар, президент бошқаруви усулини жуда ёқлаган ҳолда, Президентнинг ҳукуматни шакллантириш, тўғридан-тўғри ҳукуматни назорат қилиш ҳуқуқини рад этадилар. Ёки ҳокимлар халқ сайловларини натижасидаги мухтор ҳукмдор бўлмасдан, балки давлат бошлиғининг вакиллари бўлгани ҳамда жойларда ҳоким сайлаш ғоялари илгари сурилади. Ҳар қандай ҳолда ҳам (улар кенгаш томонидан ёки бошқа усулда сайланганлари тақдирда) Президент бу маънода кадрлар ветоси ҳуқуқига эга бўлиши зарур.

Еттинчидан, Конституциянинг умумхалқ ҳуқуқий онги ва давлат маданиятининг манбаи сифатидаги имкониятлари. Конституция фуқароларнинг тушуниб етиши осон ва уларнинг асосий фуқаровий нуқтаи назарларига яқин бўлмоғи лозим. Айрим конституциявий ғоялар, улар ўзига хосдек бўлиб туюлишига қарамасдан, давлатда ва жамиятда ҳавф-хатар омилларига айланиши, тараққиётнинг нисбатан барқарорлигини бузиб юбориши мумкин ва улар албатта давр ва жорий қонунчилик синовидан ўтишлари шарт.

Саккизинчидан, Конституция нормаларининг ҳуқуқий технологик жиҳати, яъни ҳуқуқий механизмларни ҳаттиҳаракатларга жорий этиш имкониятлари. Бундан ташқари, модомики, Конституция муҳим масалалар бўйича аниқ ҳаракат механизмларига эга экан, у ўзининг шароитини юксалтириб боради.

Тўққизинчидан, Конституциядаги асосий атамаларнинг унинг умумжаҳон ҳуқуқий мақомига киритилишини осонлаштирадиган халқаро-ҳуқуқий тезариуси (тушунчалар умумийлиги).

Мазкур мезонлар, албатта, мустасноликка даъво қилмайди. Бироқ улар лойиҳани холисонилло баҳолашда, атрофлича муҳокама қилишда ёрдам беради ва мутахассислар ҳамда жамоатчиликнинг конституциявий ташаббусини рағбатлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасига таклифлар тайёрловчи Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ишчи гуруҳи

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● НАВОИЙ

МЕҲР-ШАФҚАТ УЛАШИБ

● Навоий вилояти халқ тижорат телевидениеси кичик корхонаси жамоаси Мустақиллик куни узлуксиз телемарафон ўтказган эди.

Яқинда жамоа аҳли телемарафондан тушган маблағнинг 75 минг сўмига беш нафар болага ногиронлар аравачаси сотиб олиб берди. Йил охиригача телевидение ходимлари кам таъминланган оилаларга яна 200 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатишмоқчи.

ЗАРАФШОН ҚУРИҚХОНАГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

● Чунки саноат корхоналари, турли ташкилотлар ҳар хил чиқиндиларни ташлаб, Зарафшон сувини ифлослантирмоқда.

Шу боис Навоий вилояти ҳокимлиги дарёни муҳофаза қилиш мақсадида махсус қарор қабул қилди. Бу қарорга асосан эндиликда асосан Зарафшон дарёси қуриқхонага айлантирилади. Уни қуриқлаш нафақат маъмурий органларга, шу билан бирга кенг жамоатчиликка ҳам топширилди. Бундан кейин Зарафшондан зилол оби-ҳаёт оқса ажабмас.

Музаффар ШАРОПОВ.

● ҚАШҚАДАРЕ

ЎҚУВЧИЛАР МАҲСУЛОТИ САВДОГА ҚУЙИЛДИ

● ҚАРШИДАГИ янги бозорда вилоят ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари тайёрлаган маҳсулотлар ярмаркаси ташкил этилди. Ўзига хос кўркда мавжуд 39 та ҳунар-техника билим юртидан 36 таси қатнашди.

Вилоятдаги 16 та ҳунар-техника билим юртида ўқув тажриба хўжалиги ишлаб турибди. Ёшлар кўмагида йилига 4,5—5 миллион сўмлик маҳсулот етиштирилаётир. Устахоналарда эса ярим миллион сўмлик халқ истеъмоли буюмлари, қурилиш материаллари, техника эҳтиёт қисмлари тайёрланмоқда.

— Ярмаркада бир куннинг ўзида қарийб миллион сўмлик савдо қилинди, — дейди вилоят халқ таълими бош қармаси ўринбосари Қулмурод Ёрқулов. — Ҳатто Қарши шаҳридаги 14-ҳунар-техника билим юрти талабалари тайёрлаган токарлик даст тоҳи 50 минг сўмга пулланди. Биз бу тадбирни йилига уч-тўрт марта ташкил этмоқчимиз. Маҳсулот айирбошлаш юзасидан биржа ва акционерлик жамиятлари билан шартномалар тузяпмиз.

Ярмаркада кўп ва сифатли маҳсулот билан қатнашган билим юртларига совринлар берилди. Биринчи ўрин Қаршидаги тўртинчи, Қарши районидаги ўн олтинчи, иккинчи ўрин Қаршидаги ўн иккинчи, Яккабоғдаги йигирма учинчи, учинчи ўрин Қаршидаги ўн тўртинчи ва 1-ҳунар-техника билим юртларига насиб этди.

Мусо ҚАРОМОВ.

● ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ГЎШТ-СУТ ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА ФИКРЛАШИЛДИ

● ХУЖАЙЛИ районида гўшт-сут маҳсулотларининг сифати ва уни реализация қилишга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди.

«Мясомолпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Ж. Муханов гўштга топширилаётган чорва моллари, тайёрланаётган гўшт-сут маҳсулотларининг сифати ва тақсимоти ҳақида ахборот берди. Кенгаш иштирокчилари бўрдоқига боқилган чорва моллари талабга жавоб беришига қарамай гўшт комбинатлари вақтида қабул қилмаётгани ҳақида фикр юритишди. Ваҳолонки, Хўжайли гўшт комбинатида 300 тоннадан кўпроқ маҳсулот туриб қолаётгани ҳаммага аён эди. Бозорларда бир килограмм гўштнинг нархи 65—70 сўмга тўғри келаётган бир пайтда гўшт комбинатлари ҳар килосига 102 сўм нарх белгилашга мажбур бўлишяпти. Оқибатда савдо корхоналари бундай маҳсулотни олмаяптилар. Гўшт тайёрлаш ва савдога чиқаришдаги бундай англашилмовчилик таъминотдаги узилишларга сабаб бўляпти.

Семинар-кенгашда Хўжайли район ва Таҳиатош шаҳри ҳокимлари, бўрдоқичилик хўжаликлари, гўшт-сут заводлари «Қорақалпоқсавдо» акционерлик уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси матлубот кооперацияси бошқаруви раҳбарлари иштирок этдилар.

Раймбой ЕШИМБЕТОВ.

Эртага Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Халқаро кинофестивали очилади

● Санъат мухлислари Тошкент Халқаро кинофестивалининг ҳозирга қадар ўтган ўнтаси Ўзбекистон киностудияларининг асари билан очилганини яхши билишади. Жумҳуриятимиз киноҳужжатчилари ҳам мазкур анъанада иштирок этганлар.

— Аввалги кинофестивалларнинг ҳар бири ҳақида ҳикоя қилувчи мустақил картиналар суратга олганмиз, — дейди Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси директорининг ўринбосари, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати Қаҳрамон Ҳасанов. —Турли авлод вакиллари томонидан ишланган бу киноленталар ҳужжатли экран санъатимизда ўзига хос қимматга эга. Аксарияти барчамизнинг севимли устозимиз Малик Қаюмов раҳбарлигида, бевосита у кишининг кўрсатмалари, йўл-йўриқлари асосида яратилган. Бу асарлар ҳеч қачон эскирмайди. Томошабинлардан «уларни кўрган сайин кўргинг келади», деган эътирофларни кўп бор эшитганмиз. Иккинчидан, йиллар ўтиб, кинофестивалнинг иштирокчилари ва меҳмонлари ёшлар ҳисобига кўпайиб кетди. Турган гап, улар нуфузли анжуманимизнинг дастлабкилари тўғрисида, унинг ўзига хос мароқли йўллари хусусида эшитишдан кўра, киноҳикоя кўришни истайдилар. Шулар ҳақида ўйлар эканмиз, фестивалларнинг ҳақида ҳикоя қилувчи киноахборот яратишни режалаштирдик. Таклиф устозларга, маданият мутасаддиларига маъқул бўлгач, бу ишни режиссёр Жаҳонгир Файзиевга топширдик. Ёш санъаткор аввалги лентaлардан фойдаланган ҳолда, бир юз ўттиз кадрдан ташкил топган, ўзига хос киноахборот ишлаб чиқиятли ишлаб келаётган кинофестивалимизнинг ҳорижлик фаоллари билан яна бир бор учрашади, уларнинг дил сўзларини тинглайди. Ўн биринчи анжуманга ташриф буюрадиган чет эллик ижодкорлар, меҳмонлар эса кинофестивальга янгиликларидан воқиф бўладилар. Лента ижодкорлари юздан ортиқ кадрни жамлар эканлар, биринчи навбатда фестивалнинг асосий мақсади—тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш мавзуида қандай изланишлар қилингани тўғрисида маълумот беришга интилганлар.

Ҳа, юртимизда йигирма тўрт йилдан бери шон-шараф билан давом этиб келаётган фестиваль инсониятнинг олий мақсадларини ифодалаш ишига, унга кўмаклашишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Буни Ўзбекистон ҳужжатли киночиларининг ахборот лентаси тасдиқлайди.

А. БОРОВИКОВ.

«ЎЗБЕККИНОХРОНИКА» СОВҒАСИ

Тошкент кинофестивалида ҳаммавақт машҳур кинорежиссёрлар иштирок этишади. Ушбу суратларда сиз улардан учтасини кўриб турибсиз: 1. Э. Патиньо (Мексика) ва Р. Гонзалес (Куба). 2. Д. Фирсова (Россия) ва ўзбекистонлик кинодраматург Ж. Исҳоқов.

Суратқаш В. МОЛГАЧЕВ.

● *Шахмат оламида*

Йигирманчи йиллардаёқ ўзбек шахматининг довруғини оламга ёйган мўътабар вакилларимиздан бири қўқонлик Пўлатхон Саидхонов таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб катта оммавий танлов ўтказишни «Ўзбекистон овози» газетаси билан Ўзбекистон Республикаси шахмат федерацияси ўзларининг шарафли бурчлари, деб билдилар.

Бу танловни ўтказишдан мақсад муштарийларни Саидхонов ҳаёти ва ижоди билан таништириш, жумҳуриятимизда бу спорт турини янада кенгроқ ривожлантириш, ҳаваскорлар маҳоратини оширишдан иборатдир.

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

● 1. Танловда барча ҳоҳловчилар иштирок эта оладилар. Танлов топшириқлари 4 та икки юришли, 4 та уч юришли, 2 та кўп юришли масала. 4 та этюд ҳамда 2 та комбинациядан иборат бўлиб, ҳар бирининг тўғри жавоби учун осон, қийинлигига қараб маълум очколар белгиланган. Танлов 2 ой (октябрь-ноябрь) давом этиб, шу йилнинг охирларида якунланади. Газетимиз саҳифаларида ҳафтада 2 тадан топшириқ бериб борилади.

● 2. Танлов иштирокчиларининг спорт даражаларини олишлари учун талаблар белгиланади. Барча, яъни 16 топшириқнинг ҳаммасига тўла-тўкис тўғри жавоб йўллаганларга биринчи спорт даражаси, 75 фоизини тўғри етганларга иккинчи, камида 50 фоизини ҳал қилганларга учинчи спорт даражаси берилади.

СОВРИНЛАР

Танловнинг биринчи уч ғолиби учун Ўзбекистон Республикаси шахмат федерацияси қуйидаги совринларни таъсис этади.

1-ўрин учун — 3000 сўм, 2-ўрин учун — 2000 сўм ва 3- ўрин учун — 1000 сўм пул мукофоти берилади .Кейинги еттита, яъни 4—10-ўринларни эгаллаганлар «Ўзбекистон овози» газетининг хотиравий совғалари билан тақдирланадилар.

Танлов жюриси ҳайъатига Ўзбекистон шахмат федерацияси вице-президенти, халқаро ҳакам М. Муҳиддинов бошчилик қилади.

Жавобларни «Ўзбекистон овози» газетининг муҳарририятига йўллашда почта открыткаси устига «Шахмат танлови»га деб ёзиб ва ёнига газет номерини ёзишни унутманг. Исм, фамилия, ёшингиз, иш ёки ўқиш ва турар жойингиз, шахматдан разрядингиз бўлса уни ҳам ёзиб қўйинг. Ҳар сондаги икки топшириқ жавоби бир ҳафта орасида юборилиши шарт, бунда почта муҳри ҳисобга олинади. Ўзингиз мустақил жавоб топишга ҳаракат қилинг. Ғолибларни қўшимча синаб кўриш ниятимиз бор. Муваффақият ёр бўлсин!

ДАСТЛАБКИ ИККИ ТОПШИРИҚ





Иккаласида ҳам оқлар бошлаб 2 юришда мот қилади. Тўғри жавоб учун 2 тадан очко берилади.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● АКС-САДО: И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ

● ОЙДИН ҲОЖИЕВА ИЖОДХОНАСИДА

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ

● НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).

● ҚАШҚАДАРЕ: «САВДОДАГИ ҒАВҒОЛАР». (Фельетон).

● МИРЗА КАРИМ: «МОҲЛАРОЙИМ» РОМАНИДАН ПАРЧАЛАР.

ТАДҚИҚОТ САМАРАЛАРИ

«ҲОСИЛ» ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРАДИ

● Ҳозирги кунда ерни кам заҳарлаб, ҳосилдорликни оширишнинг замонавий усули ўғитлар миқдорини оз бўлсада камайтириб, ўстирувчи моддалар, яъни стимуляторлардан фойдаланишдир. Ўзбекистон Фанлар академияси Ўғитлар институти ёш олимлари томонидан ТЖ-85, ХТС ва «Ҳосил» ўстирувчи моддалар олиниб, ишлаб чиқаришга татбиқ қилинди.

Бу моддалар Ўзбекистон ва Қозоғистон республикаларининг пахта экувчи хўжаликларида синовдан ўтмоқда. Моддаларнинг сувдаги эритмаси билан пахта чигити ивитиб экилса, унинг чиқиши икки-уч кунга тезлашиши аниқланди. Кўчат эса бақувват бўлади.

1992 йили «Ҳосил» стимулятори Навоий вилоятининг Навбаҳор, Қизилтепа, Хатирчи ва Навоий, Сурхондарё вилоятининг Гагарин, Шўрчи ва Шеробод, Жиззах вилоятининг Зарбдор, Зомин, Жиззах, Хоразм вилоятининг Қўшкўпир, ва Хонқа, Самарқанд, вилоятининг Челак ва Ғўзалкент, Тошкент вилоятининг Оққўрғон ва Ўрта Чирчиқ туманларида, Қозоғистон республикаси Пахтаорол ва Киров районларида минглаб гектар майдонларда ғўза кўчатларига ишлов беришда қўлланилди. Қорақалпоғистон Республикасида минглаб гектар майдондаги шоли устидан пуркаш усули билан «Ҳосил» препарати ёрдамида ишлов берилди. Қозоғистоннинг Сайрам районида бир неча минг гектар майдонга экилган буғдой уруғи «Ҳосил» ўстирувчи модданинг сувдаги эритмаси билан ивитилди. Ўғитлардан меъёрида фойдаланиб, бир вақтда ўстирувчи моддалар билан ҳам ўсимликка ишлов берилса, ернинг заҳарланиши камаяди. Янги, юқори самарали стимуляторларни ишлатиш натижасида тупроқ тузилишига зарар етмайди. Ҳосилдорлик ортади.

Зикрилла ИСАБОЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Ўғитлар институти катта илмий ходими, кимё фанлари номзоди.

ХАЙРЛИ ИШНИНГ ХАЙРИХОҲЛАРИ КЎП

Хайрли ишнинг хайрихоҳлари кўп бўлади, дейишади. Бу ҳикматли сўзнинг тўғрилигига тадбиркор йигит Мансуржон Аҳмаджонов яқинда бир ишни бошлаб қўйди-ю, ишонди. Гап шундаки, «Хўжаобод» жамоа хўжалигида жойлашган гиёҳвандларни даволаш касалхонаси бошқа ерга кўчирилгандан сўнг, унинг биноси ҳувиллаб қолди. Бироз вақт ўтгач, эса эски бинога «даъвогар»лар кўпайиб кетди.

Мансуржон шу бинони пардоз-андоздан чиқариб, тикувчилик устахонаси очиш таклифи билан раис ҳузурига кирди. «Хўжаобод» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Абдували Солиев таклифни эшитгач, қувониб, «Биз ҳам бир тан, қўллаб-қувватлаганимиз бўлсин», дея розилик билдирди. Буни қарангки, маҳалла кексаларига ҳам таклиф маъқул тўшди.

Хуллас, қурилиш ишлари қизиб кетди. Тез орада бу жой Дўрмон қишлоғининг файзига айланди. Бир томони сўлим чойхона, бир томонда эса кўрпа-тўшак, болиш, жилд тикиш устахонаси, тикувчилик цехи... Бу ёғини сўрасангиз, атрофмуҳит ҳам тозаланиб қолди. Илгари касалхонадан чиқадиган нохуш ҳид кўпчиликнинг кайфиятини бузарди. Эндиликда эса мевали дарахтлар ҳосил бериб, атрофга атир гулларнинг, анвойи гулларнинг ҳиди таралдиган бўлди.

Тикувчилик устахонасини айтмайсизми? «Семурғ» деб номланган бу устахонанинг довруғи чор атрофга тез ёйилди. Унинг маҳсулотларини харид қилганлар яна бот-бот бу ерга қатнайдиган бўлишди.

— Кўз кўрқоқ — қўл ботир, деганлар. Ишнинг бошланиши осон кечмади, — дейди устахона бошлиғи Мансуржон Аҳмаджонов. — Дастгоҳлар топиш учун кўп елиб-югуришга тўғри келди. Андижондан дарагини эшитиб, дарҳол шаҳарга ғизилдик. Андижон пахтачилик саноат ишлаб чиқариш уюшмасидан шартнома асосида 22 та дастгоҳ сотиб олдик.

Ҳозир устахонанинг тўрт бўлими бор. Энг яхши томони шу бўлдики, 50 дан ортиқ киши иш билан таъминланди. Даромадлари ҳам хизматларига яраша. Нолимайдиган. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида кичик устахона 3 миллион сўмликка яқин тайёр кийимлар сотди. Қўшни туманлар, ҳатто вилоятлардан ҳам буюртмалар тушиб турибди. Қисқаси, тадбиркорлик самара келтирмоқда.

Ҳа айтганча, иш бор жойда муаммо ҳам бўларкан. Устахона электр таъминотида узилишлар рўй бериб турибди. Бу жиҳатдан «Хўжаобод» ишбилармонларини туман нурчилари қўллаб юборсалар айни муддао бўларди.

М. РАҲМОНОВ.
Шаҳрихон райони.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

Ўзбекистон пайчилик тижорат саноат-қурилиш банки

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАЙЧИЛИК ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ МУАССАСАЛАРИ ХИЗМАТ КЎРСАТАЁТГАН БАРЧА ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ҳисоб варақаларидан чиқарилган маблағларнинг ўз вақтида ўтказилмаётганлиги ҳамда белгиланган мақсадлар бўйича ўтказилмаганлиги тўғрисида тушаётган кўпдан-кўп шикоятлар муносабати билан Ўзбекистон пайчилик тижорат саноат-қурилиш банки ҳузурида.

АХБОРОТ МАРКАЗИ ТУЗИЛДИ БУ ЕРДА СИЗНИНГ БАРЧА САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРИШАДИ ВА ЗАРУР КОНСУЛЬТАЦИЯЛАР ОЛАСИЗ.

Қуйидаги манзилгоҳ бўйича: Тошкент шаҳар, 1 Май кўчаси, 3-уй, 409-хонага мурожаат этишингизни сўраймиз.

Алоқа телефонлари: 33-36-95, 33-08-71.

САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ

Cassia Tea

КАССИЯ УСИМЛИГИ УРУҒИДАН ЧОЙ

Таркибида антрагликозидлар (А ва В сенидин, реин, алоэ-эмедин), гликозидлар (кемпферол, кемпферин), алкалоидлар, стеринлар, органик кислоталар, танин, витамин К ҳамда ўрнини боса олмайдиган аминокислоталар ва микроэлементлар мавжуд.

ЧОЙ СЕМИРИШНИНГ, ИЧ ҚОТИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ, ЗАРДОБНИ ЮРИТАДИ, ИШТАҲАНИ ҚЎТАРИБ, КЎЗНИ ЧАРОҒОН ҚИЛАДИ. ЖИГАР ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАЙДИ, ҚОН БОСИМИНИ ТУШИРАДИ, СИЙДИКНИ ҲАЙДАЙДИ. ИЧАКЛАРДАГИ МИКРОБЛАРНИ ЎЛДИРАДИ.

ЧОЙ ОРГАНИЗМ УЧУН БЕЗАРАРДИР.

Ишлатиш услуби: 1—3 грамм уруғ бир стакан қайноқ сувда дамланиб, кунига 3—4 маҳал истеъмол қилинади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 6-уй.

Телефон: 33-80-00.

«САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ».

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли Р. МУСАМУҲАМЕДОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТЕХНИКУМИ 1992—1993 ўқув йили учун сиртқи бўлимга қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

а) Агрономия бўлими — Мева-сабзавотчилик агрономларини тайёрлайди.

б) Мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш бўлими — техник-технологлар тайёрлайди.

в) Виночилик технологияси бўлими — техник-технологлар тайёрлайди.

Техникумга 10—11 синфни битирганлар ва ўрта махсус маълумотлилар қабул қилинади.

Техникумга — суҳбат тариқасида қабул қилинади.

Аризалар директор номига 1992 йил 30 ноябргача қуйидаги ҳужжатлар билан бирга топширилади.

1. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
2. Соғлиғи ҳақида маълумотнома (086/У форма).
3. 6 дона расм (3х4 ҳажмда).
4. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма.
5. Паспорт, ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.
6. Иш жойидан йўлланма.

Ўқувчилар ётоқ билан таъминланадилар.

Манзилгоҳимиз: 702015, Тошкент вилояти, Тошкент райони, Кенсой қишлоғи (Тошкент шаҳар «Келес» автостанциясидан 478-автобусда «Техникум» бекатига, 479-автобус билан «Шўробозор» бекатига ёки «Истиқлол» автостанциясидан 169-тезюрар автобусда «Шўробозор» бекатигача борилади).

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 39-ўрта мактаб томонидан Миржалолова Мунира Миржалоловна номига берилган А № 041141 рақамли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТУҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси «Қорақўл» ишлаб чиқариш бирлашмаси қорақўл тери, жун ва мўйна маҳсулотларини қайта ишлаш бўлими бошлиғи Р. Н. Сайфуллаевга отаси **Неъматулло САЙФУЛЛАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг илмий хирургия маркази жамоаси марказ бош илмий ходими, тиббиёт фанлари доктори М. М. Маҳмудова онаси **Робия БОБОЖОНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ходимлари вазирликнинг назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғи О. Бобобекова қизи **ХУРШИДАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ—ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—20.30.
Г—394. № 197. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12